

ИШОНСЕН



Кўкламойим, кўкингдан бер, бир чимдим...

Янги нашр

«ФЕРМЕР» МУБОРАК БЎЛСИН!

Кеча «Фермер» ижтимоий-иқтисодий журналининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда муассис ташкилотлар раҳбарлари, республика нашрлари бош муҳаррирлари, олимлар, ёзувчилар, турли жамоат ташкилотлари вакиллари ва журналистлар иштирок этдилар.

Тадбир қатнашчиларидан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров шундай деди:

— Наврўз байрами арафасида фермерларимиз уруғ қадаш, кўчат ўтқазишга ҳозирлик кўраётган бир паллада уларнинг хонадонига яна бир янгилик — «Фермер» журнали кириб борадиган бўлди. Бу журнал мамлакатимизни модернизациялаш сиёсатининг энг фаол иштирокчиларидан бири бўлмиш фермерларимиз учун муносиб минбар бўлади, деб умид қиламан.

Мазкур нашрнинг илк саҳифаси буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг «Олам маъмурлиги алардин ва олам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаёнки, қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурғайлар, ҳам барокат» деган ҳикматли сўзлари билан бошланган.


Фалсафа фанлари доктори Қиёмиддин Назаровнинг «Олам маъмурлиги алардин», Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг «Ерга меҳр — элга меҳр», Муҳаббат Тўрабоевнинг «Ҳар бир куни — қахрамонлик» номли мақолаларидан баҳор нафаси келади.

Шунингдек, «Хуқуқ», «Иқтисодиёт мактаби», «Нигоҳ», «Маънавият» ва «Мутолаа» рукнлари остидаги материалларни қизиқиш билан ўқийсиз.

Халқимизни, қишлоқ хўжалик ходимларини, айниқса, фермерларни янги дунёга келган «Фермер» журнали билан муборакбод этамиз.

Оқ йўл сенга, янги нашр!

Довуд МАҲДИЙ



Шанба ҳикмати

Умринг
мезонини
шундай олқи,
гўёки
яшашингга
ҳам оз,
ҳам кўп
фурсат қолган
бўлсин.

Мусоҳаба

«ШАРҚ» ДАН ПОРЛАЁТГАН ҚУЁШ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳрор АҲМЕДОВ билан суҳбат

— Қуёш Шарқдан бош кўтаргани каби тафаккур дурдоналари ҳам маънавият ёғдуси сифатида машриқдан дунёга тарқалган. Шарқ донишмандлиги китобдан бошланади. Дунёда эса шундай китоблар борки, самандар қуши мисол даврнинг минг турфа офатларига беписанд тириклик ва маънавият тимсолига айланиб яшайверади. Тафаккурга йўғрилган бундай китоблар инсонни маънавий қашшоқликдан асрайди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ўз ўқувчиларини қандай китоблар билан хуш-

нуд қилиш ниятида?

— Бу йилги нашр режамиз жуда ҳам кенг қамровли, бой. Асосий мазмун-мундарижаси халқимизнинг маънавиятини бойитиш, ёшларимизни билимли, салоҳиятли, шу юрт учун фидойи, жонқуяр бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган юксак бадиий, ғоявий савиядаги асарларни чоп этишдан иборат. Мавзулар бўйича бироз шарҳлайдиган бўлсак ўтган йиллардан давом этиб келаётган, ўз ўқувчиларини аллақачон топган «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Аср ошган асарлар», «Жаҳон саргузашт адабиёти», «Севишганлар кутубхонаси», «Шарқ мумтоз шеъ-

рияти дурдонаси» каби доимий серияларимизни давом эттирамиз. Кейинги йилларда атоқли адибларимизнинг «Танланган асарлар»ини чоп этиш анъанасини бошладик. Саид Аҳмад, Шукр Холмирзаевнинг III, Ўлмас Умарбековнинг II, Одил Ёқубовнинг I жилдлик асарлари китобхонларнинг кўлига етиб борган. Улар ҳақида илиқ фикрлар эшитаялғимиз. Кейинги жилдларини давом эттирамиз. Ҳозир Шукрулло, Пиримқул Қодиров, Тоғай Мурод, Асад Дилмурод, Абдулла Аъзамовларнинг шу туркумдаги биринчи китобларини тайёрлялғимиз. Янги асарлардан Эркин Самандарнинг «Ғайб қуши» романи, Эркин Аъза-

мовнинг «Жаннат ўзи қайдадир» қисса ва ҳикоялари, шунингдек, Нормурод Норқобилов, Нусрат Раҳмат, Аббос Саид, Саломат Вафо, Қўқор Норқобил, Луқмон Бўрихонларнинг китобларини муҳлислар ҳукмига ҳавола этамиз. Шеърят шинавандаларига Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фариди Афрўз, Икром Отамурод, Турсун Али, Муҳтарам Улугова, Берди Раҳмат, Муслим Йўлдош, Ислоҳ Ҳамроларнинг янги тўпламлари тўхта этилади. Бу рўйхатни узоқ давом эттиришим мумкин...

(Давоми 5-бетда).

Хабарлар

Меҳнаткашлар ҳимояси — жамоа шартномасида

Боёвут туманидаги Тошпўлат Мирзақобилов номли 1-умумтаълим ўрта мактабида таълим муассасалари раҳбарлари, бошланғич касба уюшма кўмиталари раислари иштирокида «Жамоа шартномалари — ходимлар ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли кафолати» мавзусида фаоллар ўқуви бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

Йўловчилар мамнун

Косонсой бош бекати ҳамиша йўловчилар билан гавжум. Бу ердан Наманган шаҳрига, Чуст, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон туманларига ҳамда Косонсой туман ва шаҳар ҳудудига, жами 9 та йўналиш бўйича қатнов йўлга қўйилган.

Бош бекат майдонини Ҳамроҳўжа Турдихўжаев хусусийлаштириб олган эди. Равшан ва Эргаш Турдихўжаев отасининг ишини давом эттириб, хизмат кўрсатишни янада яхшилашди. Йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Ижтимоий ҳимоя йилида бош бекат маъмурияти кам таъминланган оилалардан учтасига ҳомийлик қилмоқда. Айни пайтда Наврўз байрамини ўтказишга пухта ҳозирлик кўриломоқда.

Парда БУХОРОВ,
меҳнат фахрийси

Ишсизликнинг олди олинмоқда

Олтинсой тумани асосан боғдорчиликка ихтисослашган. Кўплаб саноат корхоналари ҳам мавжуд. Бу эса коллежларда таҳсил олаётган ёшларга иш ўринлари яратишда қўл келмоқда.

Яқинда туман ҳокимлигининг аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими прокуратура ҳамкорлигида иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказиб, 16 та корхона, ташкилот ва муассасаларда 133 та бўш иш ўринлари аниқланди. 103 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида қатнашган фуқаролардан 113 нафарга касб ва мутахассислиги бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Ўрол БЕКМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти

Кўклам шуқуҳи

Президентимизнинг «Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига амалий жавоб қайтарилган қашқадарёликлар баҳор айёмини ёруғ юз билан кутиб олдилар.

Қарши шаҳри ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлиги уюшқоқлик билан ўтмоқда. Муборак тумани иссиқлик манбаи, Сув оқава ва ободонлаштириш бошқармаси жамоаси кучи билан 10 минг тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари, гул кўчатлари ўтказилди.

Қарши туманининг Паргуза қишлоғидаги «Носир боғбон» фермер хўжалиги раҳбари Носир Бозоров истеъмолчиларга 40 минг тупдан ортиқ сара кўчатлар етказиб берди.

Иzzат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Текширишда аён бўлди

Ҳамма жойда ҳам ер ўз эгасини топяптими? Ширкат хўжаликларини тугатиш комиссиялари ҳалол ишлаб, тендер танловлари адолатли ўтказилаяптими? Тендер танловларида таниш-билишчилик, сохтакорликка йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам мавжуд. Фарғона вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йилда Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси ўрганилиб, таҳлил этилганида шундай ҳулосага келинди.

Охунбобоев туманидаги А.Ниёзов ширкат хўжалигини тугатиш комиссиясининг 2006 йил 25 дэкабр кунги қарорига кўра 6-лойиҳа бўйича ўтказилган тендер танловида О.Умаров 34 балл тўплаб, голиб бўлган. Туман ҳокими қарорига кўра 25 гектар ер ажратиб берилган бу фуқаронинг имкониятлари тендери қай даражада ҳолисона баҳолангани ўрганиб чиқилди. Айтиб ўтилган 6-лойиҳа бўйича ўтказилган тендер танловининг биринчи ва иккинчи босқичларида «Шаҳриёр» фермер хўжалиги раҳбари Б.Тўхлиев 67,2 балл, фуқаро А.Йўлдошев 58,5 балл тўлаган. Шу лойиҳа бўйича биринчи босқич танловида 34 балл олган О.Умаров иккинчи босқичда қатнашмаган. Бироқ, тугатиш комиссияси шу иштирокчини голиб, деб топган. Ваҳоланки, мазкур танловда аслида Б.Тўхлиев голиб чиққан эди. Туман ҳокимлиги ҳам тугатиш комиссиясининг адолатсиз қарорини аксинча тасдиқлаб берган.

Данғара туманидаги «Данғара» ширкат хўжалигини тугатиш комиссияси фаолиятида ҳам «ўйин»лар бўлган. Жумладан, тугатиш комиссиясининг 2006 йил 29 дэкабр кунги қарорига ишониларидан бўлса, 4-лойиҳа бўйича ўтказилган тендер танловида фуқаро Н.Муҳаммедов

голиб чиққан. Бу фуқаронинг тендерда қандай «ютиб» чиққанлиги текширишда аён бўлди. Пишқарон маҳалла фуқаролар йиғини раиси вази-

ят иши кўзгатилади.

«Ифтихор» фермер хўжалиги раҳбари И.Усмонов Фурқат туманидаги «Фурқат» ширкат хўжалигини тугатиш комиссияси ўтказган тендер танловида голиб чиққан эди. Ушанда унга 77-лойиҳа бўйича ўтказилган тендерда 71,3 балл олгани учун рақиблари ҳам тан берворган экан.

Минг афсуски, И.Усмоновнинг тендерда фирром ўйин қилгани маълум бўлиб қолди. Унинг Фурқат тумани Агросаноат касб-ҳунар колле-

ди. Дебитор ва кредитор қарзларни бартараф этишга доир зарур чоралар кўрилмаган. Фермер хўжаликлари билан тегишли корхона ва ташкилотлар ўртасида шартномалар тузиш муддатлари бузилган. Бунинг оқибатида бир қатор қонунбузилишлар рўй берган. Хусусан, 2007 йил 19 феврал кунига қадар янги ташкил этилган 247 та фермер хўжаликлари учун вилоят ҳокимлигининг қарори чиқарилмаган. 853 нафар фермер давлат органлари рўйхатидан ўтмаган, 881 нафар фермер банкларда ўз ҳисоб рақамларини очмаган. Фарғона, Ўзбекистон туманларида шундай ачинарли ҳолат кўпроқ.

Тугатилаётган ширкат хўжаликларида дебитор қарздорлик 380 мил-

лион, тўланмаган кредитор қарздорлик 13 миллиард 978 миллион сўмни ташкил этмоқда. Фурқат, Учкўприк, Фарғона туманларида бартараф этилмаган қарздорлик катта миқдорда сақланиб турибди. Иш ҳақидан қарздорлик Қува, Охунбобоев, Тошлоқ туманларида 120 миллион сўмдан 220 миллион сўмгача етган.

Вилоят бўйича 11 миллиард 700 миллион сўмлик мулклар сотувга қўйилган. Бунинг 6 миллиард 894 миллион сўмлиги сотилиб, 4 миллиард сўми туширилган ҳолос. Мавжуд бўлган боғларнинг барчаси сотилган бўлса-да, 1 миллиард 889 миллион сўми ҳануз тугатиш комиссиялари ҳисобига туширилмаган.

У.ИБОДИНОВ,
«Ишонч» мухбири,
Х. ЖўРАБОВЕВ,
«Адолат йўли» мухбири

Тендердаги томошалар

фасида ишлаб келган бу фуқаро комиссияга 10 миллион 115 минг сўмлик мулкларни борлиги тўғрисида маълумотнома топширган. Аслида унинг шунча миқдордаги мулки бўлмаган, мавжуд мулкнинг баҳоси 1 миллион 58 минг сўмга тенг бўлган, холос. Худди шу сохта маълумотга асосан комиссия томонидан Н.Муҳаммедовга 10 балл берилиб, сунъий равишда голиб, деб топилган. Мазкур ҳолат бўйича туман прокуратураси томонидан «Данғара» ширкат хўжалигини тугатиш ва фермер хўжаликлари айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясининг қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритилди, мансабдор шахс бўлган Н.Муҳаммедов ва ноқонуний ишга алоқадор бўлган бошқа шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жино-

жи томонидан 1997 йил 5 июл санаси билан берилган «Ўсимликшунос фермер» касби бўйича курсни тамомлагани тўғрисидаги АС №043528 рақамли дипломи сохта бўлиб чиқди. Комиссияга тақдим этган шу сохта дипломи эвазига 10 балл олган эди. Аниқланган бу сохтакорлик ҳолатига нисбатан туман прокуратураси ўз муносабатини билдирди.

Умуман олганда, юқорида келтирилган қарор 2 ой ичида вилоятда тўлиқ бажарилиши лозим эди. Лекин бу жараён чўзилиб кетди. Ҳокимликлар томонидан тузилган ширкатларни фермер хўжаликлари айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиялари томонидан тугатилаётган ширкат хўжаликларининг мол-мулкларини сақлаш ва қонуний асосларда сотиш тўлиқ таъминланма-

Тадбир

САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ



Инсон ўсиб-улғайиши, камолга етишидаги дастлабки қадам бошланғич таълимдан бошланади. Шунинг учун ҳам кўлимизга илк бора қалам тутқазган, илм олишдек улуг неъматдан баҳраманд бўлишга сабабчи бўлган биринчи устозимизни доимо шарафлаймиз. Йиллар ўтиб ўқувчилик давримизда сабоқ берган



устозларимизнинг айримлари хотирамиздан кўтарилиши мум-

кин. Аммо илк устоз, илк мураббий қиёфаси кўз олдимизда ҳар доим гавдаланаверади.

Кеча пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган 217-мактабда қалбларида чексиз ҳаяжон би-



ди. Улар меҳридарё устоз Санобар Сайдалиева бошчилигида ўзларининг сахна кўринишлари билан ота-оналари ва меҳмонларни хушнуд этдилар.

Ўқувчилар ёд олган шеър-қўшиқларни тўлқинланиб айтишди. Айниқса, Миржалол Мирзааҳмедов, Шаҳризода Ўринбекова, Хуршида Эгамбердиеваларнинг чиқишларидан уларнинг зеҳни ўткир, билимга чанқоқ эканлиги сезилиб турди.

Мактуба МЎМИНОВА,
«Ишонч» мухбири,
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Хатлар — ҳаёт ойнаси

Газета ва газетхон

Ислоҳот берган имконият

Қишлоқ врачлик пункти марказий шифохоналардан қолишмайди

Шеробод туманида ҚВПлар сони 11 тадан 19 тага кўпайди. Эндиликда тумanning энг чекка қишлоқларида яшовчилар ҳам замонавий тиббиётдан баҳраманд бўлишяпти. Утган йили мавжуд ҚВПларнинг ҳар бирига 1 миллион сўмликдан зарур жиҳозлар олиб берилиб, мутахассис ва шифокорлар билан таъминланган эди. Ижтимоий ҳимоя йилида бу масалага янада эътибор кучайтирилди.

Врачлик пунктларида хизмат кўрсатиш турларини яхшилаш мақсадида ҳар бирига қўшимча 2,5 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Утган даврда шу маблағ ҳисобидан ташхис ускуналари, УЗИ ва шунга ўхшаш жиҳозлар келтирилиб, фойдаланишга топширилди. Муҳими, қишлоқ жойларида тиббий хизмат кўрсатиш турлари замонавийлаштирилганидан сўнг турли хасталиклар ва

бошқа касалликлар кескин камайди. Умуман, тиббиёт соҳасида қишлоқ аҳолисига яратилаётган шарт-шароитлар марказий шифохоналардагидан қолишмаяпти. Галдаги босқичда яна шундай 4 та масканни қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилган. **Шухратжон РАҲИМОВ,** Шеробод тумани соғлиқни сақлаш бўлими бошлигининг муовини

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджетни параметрлари тўғрисидаги қарори пахтабодликлар учун ҳам бир қанча имкониятлар яратмоқда. Унга кўра амалдаги солиқ ставкаларининг камайтирилгани айни пайтда 850 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатаётган ана шу чекка туман иктисодиётини ривожлантирибгина қолмай, йил давомида салкам 3,5 мингта янги ишчи ўринлари барпо этиш ва касаначиликни ривожлантиришга йўл очмоқда.

ТЕЖАЛГАН МАБЛАҒ ҲИСОБИДАН

3,5 минг ишчи ўрни яратилади

Масалан, «Шағал» саралаш МЧЖ корхонаси солиқларнинг камайиши ҳисобига 9500 минг сўм иктисод қилаётган бўлса, «XXI аср» ўзбек-қирғиз қўшма корхонаси 27500 минг сўм, Пахтабод кўчма механизациялашган корхонасида эса 7500 минг сўм тежалди. Ана шу маблағ ҳисобидан 870 нафар киши иш билан

таъминланди. Шунингдек, аҳолиси зич яшайдиган 4 та қишлоқда маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослашган кичик саноат корхоналари барпо этилмоқда. Бу эса яна 900 кишининг доимий ишли бўлишини кафолатлайди. **Бурхон ЭРҒАШЕВ,** Пахтабод туман ДСИ бошлиги

Миннатдорлик

КЕКСАЛАР ДУОСИ — ЭЛ МУДДАОСИ

Ҳар соҳанинг ўз хислати бор. Бироқ доимо эл орасида, нуронийлар даврасида юриб, уларга беиннат хизмат қиладиган касб эгалари — почталонларга бўлган ҳурмат бир бошқача. Косонсой тумани марказий почта ходимлари Исроилхон Мўминов ва Ваҳобжон Баратовлар чорак асрдан буён нафақадор ҳамда ногиронлар олқишини олаётганлардан.

Гулистон ва Охунбобоев номли маҳалларда истиқомат қиладиган 800 дан зиёд кексалар ҳамиша улар хизматидан миннатдор. Нафақа ва ёрдам пулларини вақтида етказиб бериш, аҳолининг коммунал тўловларидан қарзларини узишда почта ходимларининг ҳиссаси катта.

Парда БУХОРОВ, меҳнат фахрийси, Наманган вилояти

Тахирсиз хат

ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА

— Иссиқ жон иситмасиз бўлмас, деган гап бор халқимизда. Бир неча йиллардан буён болаликдан ногирон фарзандим Мирлазиз Ибрагимов тўшақда михланиб қолган. Бу камлик қилгандай турмушдошим Клара Ўринова ҳам уч йилдан буён ногирон. Уларнинг иссиқ-совуғи, шифокорларга муолажага олиб бориш, қолаверса, вояга етмаган ўғлимга қараш зиммамда. Аҳволимни тасаввур этганлар мени яхши тушунишса керак. Тақдиримда бор экан, оиладаги ташвишлар билан бирор жойда ишламайман. Боз устига, 83 ёшли ёлғиз бобом ҳам биз билан бирга. Овқат пишириш, кир ювиш, ногиронларни парваришлаш...

Ҳамқишлоқлар ва маҳалладагилардан миннатдорман: улар тез-тез ҳолимиздан хабарлашиб, моддий ёрдам

кўрсатишяпти. Аммо бу сурнкали дори-дармонга муҳтож оила учун урвоқ ҳам бўлмаскан. Шу боис туман ижтимоий таъминот бўлимига ва бошқа айрим ташкилотларга ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Лекин улар шароитимизни ўрганиш тугул дардимизни ҳам тинглашмади. Ахир, Ижтимоий ҳимоя йилида давлатимиз муҳтож оилаларни суяшни назарда тутмаганди? Бу долзарб масала Шаҳрисабздаги айрим мутасаддиларга ҳали етиб келмаганга ўхшайди. Ваҳоланки, туман тасарруфида биз сингари муҳтож хонадонлар жуда кўп бўлмаса керак. Тагин ким билади, дейсиз!..

Усмон ЖўРАЕВ, Шаҳрисабз туманидаги «Чоштепа» маҳалласи фуқароси



Юртимизда байрам шукӯҳи

Ташаббус

МУЛҚДОР БОҒЧА ҚУРМОҚЧИ

Ёрдамчи ва шахсий хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришга оид ҳукумат қарори хонадонларда ўтириб қолган жуда кўп кишилар орзусининг ушалишига йўл очди. Тахтақўпирлик Тўрсаҳад Полмонов ана шундайлардан бири эди. Қарор шарофати билан у ҳам мулкдорга айланди. Айни пайтда соҳани ривожлантирибгина қолмай, 40 кишини доимий иш билан таъминлади.

Ишлаб топилётган маблағнинг бир қисми фаолиятни кенгайтиришга сарфланаётган бўлса, қолгани кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар-

нинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилмоқда.

Ишбилармон айни пайтда 200 гектар майдонда дехқончилик қилиб, эл маъмурчилигини таъминлашда муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Утган йил якуни бўйича тармоқдан 36 миллион сўм соф даромад кўрилди. Фойда ҳисобидан туман марказида замонавий болалар боғчаси қуриш режалаштирилган. Шунингдек, 2-ўрта мактабни тўла таъмирлаб, ёшларга спорт зали тўхфа этиш нияти бор.

Болтабой ЭРНАФАСОВ, Қорақалпоғистон Республикаси

Саховат

Ижтимоий таъминот бўлими мудири «Абдулла» фермер хўжалиги раисидан бундай саховатни кутмаган эди. Чунки унинг мулкдор сифатида фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ эди-да! Ўзининг ташвишлари етарли бўлишига қарамай, уч ногиронга аравача олиб бериш учун бу ерга келибди.

МУРУВВАТДАН ДИЛЛАР ЯЙРАМОҚДА

Тошлоқда ана шундай бағрикенг ва саховатли инсонлар жуда кўп. Ижтимоий ҳимоя йилида уларнинг фаоллиги янада ошмоқда. Йил бошланганига ҳали ҳеч қанча бўлмай, болаликдан ногиронларнинг 24 нафарига аравача, 31 нафарига эса қўлтиктаёқ ва эшитгич мосла-

малари олиб берилди. 2 нафар якка-ёлғиз фуқароларнинг уйи ҳомийлар томонидан тўлиқ таъмирланди. Шунингдек, Наврўз байрами арафасида улар саховати билан 198 та кам таъминланган хонадонларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улашилди ҳамда 30 нафар нафа-

қадор-нуронийларга соғлиқларини тиклаб олиш учун дори-дармондан ёрдам кўрсатилди. Тадбиркор ва ишбилармонлар қаторида корхона ҳамда ташкилотлар ҳам мурувват ишларига бошқош бўлишяпти.

Рўзибой МАҲКАМОВ, Фарғона вилояти

Юбилей олдидан

ЯНГИ БОЗОР БУНЁД ЭТИЛАЯПТИ

Шаҳар марказидаги дехқон бозорини қайта қуриш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Тўрт гектардан зиёдрок майдонда бунёд этилаётган ишоот тўлиқ ишга тушса, қишлоқ хўжалиги ва бошқа истеъмол маҳсулотлари сотишга мўлжалланган 4500 та савдо ўринлари яратилади. Умумий ҳажми 7200 квадрат метр майдонга 8 та модел ўрнатилиб, бир қаватли ёпик расталар ҳам қад ростлайди.

Ана шу қурилиш ишларини Юнусобод туманининг 12-очик турдаги акционерлик жамиятига қарашли 65-қурилиш бошқарма-

си жамоаси бажараяпти. Шу кунгача кўзда тутилган 1 миллиард сўмнинг асосий қисми сарфланди.

Геодезист Ҳасан Валишев, ҳайдовчи Акмал Шуқуров, Сайдулла Домиллаев, ишчилардан Шарофиддин Низомиддинов, Аброр Маҳмуджоновларнинг бунёдкорлик ишига қўшаётган ҳиссалари катта бўлмоқда. Барча юмушлар икки сменада ташкил этилган. Ишловчиларга қулай шароитлар яратилганлиги, айниқса, таҳсинга лойиқ.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ, Марғилон шаҳри

Нимага ишонсанг, шунга эришсан

■ **Инсон ўз ишончларидан ташқари ҳамма нарсага шубҳа билан қарайди.**

■ **Муаммо ҳам, унинг ечими ҳам — ўзингиз.**

■ **Хар қандай ишонч илдиз отиши ва мева бериши учун вақт ва эътибор талаб қилади.**

■ **Жон Леннон: «Ўзингни ким деб ўйлайсан? Юлдузмисан? Нима ҳам дердим, сен ҳақсан».**

■ **«Доно фикрлар аллақачон юз марта лаб ўйлаб кўрилган. Лекин у миянгизда чуқур илдиз отиши учун уни яна ва яна мулоҳаза қилиш керак».**

ГЁТЕ

Сеҳргар эканингизга ишонасизми? Ақлингиз: «Йўғ-эй!»- деяпти, аммо хар бир инсонда сеҳргарлик қобилияти борлиги рост. Йўқ, бу қўлнинг эпчилиги билан амалга ошириладиган фавкулудда ғайритабиий иқтидор эмас. Бу инсон истаган мақсадига эришиш учун Худо томонидан берилган энг кучли кураб — ишончдир. Ишонч нимага қодир эканини кўпчилик билмайди. У ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиш учун мана бу ҳаётий ривоятни кўриб чиқайлик:

Бир деҳқонни иш билан хўжайинининг олдига юборибдилар. Бой хўжайин уни уйига олиб кириб, олдига шўрва қўйибди. Қошиқни олиб шундай идишга қараса, шўрва ичида кичкина илон ётганмиш, лекин хўжайинини ранжитмаслик учун деҳқон бир иложини қилиб шўрван ичибди. Ичига илон кирганидан ташвиш ва ваҳимада қолган деҳқоннинг қорнида қаттиқ оғриқ бошланибди ва хўжайиннинг уйига қайтишга мажбур бўлибди. Бой уни яна уйига олиб кириб пиёлада дори берибди. Доридан хўпламоқчи бўлган деҳқоннинг кўзи пиёла тагида ётган илончага тушибди. Бу сафар у андишани йиғиштириб бор гапни айтибди. Бу гапга хўжайини хоҳлаб кулиб, унинг пиёлада осилиб турган катта пиёз боғламига ишора қилибди: «Сен пиёлада пиёзнинг аксини кўряпсан».

Деҳқон яхшилаб қараса, пиёладаги илон эмас, пиёзнинг аксини экан. Хиждат бўлганидан дорини ҳам ичмай бойнинг уйдан чиқиб кетибди ва ўз-ўзидан «тузалибди».

Бир қарашда кулгилни туюлган ушбу ривоятда ҳам аччиқ, ҳам ширин ҳақиқат ётибди: нимага ишонсанг, шуни оласан. Келинг, миянмиздаги образларни уларнинг ҳаётдаги асл ҳолати билан таққослайлик. Бу руҳшуносларнинг ташхис қўйиш усули бўлиб, ғарб психологига Жон Кехо ўз тажрибасида кўп синанган:

«Бир кун маъруза ўқиб бўлганимдан кейин ёнимга бир одам келиб, маоши кам эканини айтди. У оиласини ва ўзини тазминлай олади, аммо ундан ортигига қурби етмайди. «Ҳеч қачон етарлича пулим бўлмайди, - елкасини қисди у. — Одамларга қўшилишнинг иложи йўқ».

«Ҳеч қачон етарлича пулим йўқ» ва «Одамларга қўшилишнинг ҳеч иложи йўқ» деган икки салбий фикр унинг онгига чуқур ўрнашиб олиб, доим унга таъсир этади ва оқибат ўзига шундай ҳаёт яратиб олади. Мулоқот жараёнида унинг пулдан бошқа нарсалар ҳақида ҳам ёмон фикрда эканлиги аён бўлди.

Тажрибалардан маълумки, аксарият салбий фикрлар ўзига ўхшаган қарашлар, ҳаёлларни эргаштириб юради (қозонга яқин юрсанг, қораси юқади). Мен ҳалиги кишидан омад ҳақидаги фикрларини ёзиб беришини сўрадим. Рўйхатни олгач, унинг даромад топишига тўққинчилик қилувчи бир қатор бузғунчи фикрлари бор эканлигига гувоҳ бўлдим: «Сердаромад жойларнинг бари эгаллаб олинган», «Пул топиш қийин», «Омадли одамларнинг бари худбин, мен бундай бўлишни истамайман». Дикқат қилинг, инсоннинг ўз имкониятларини қанчалик камситувчи ва уни чегараловчи қарашлар!

Бу одамнинг иқтисодий жиҳатдан омадсизлиги ажабланарли эмас, чунки у салбий фикрлар билан ўз онгига қарши ўзи курашиб келган.

Яна бир маърузам пайтида боши касалликдан чиқмайдиган аёл ичидагини тўқиб солди: «Ҳамма жойим оғриқди. Атроф-муҳит микробларга

тўла. Шунчалик нозикманки, касаллигим мени энгиб қўяпти». Хайриятки, ҳаётсевар ва умидбахш қарашларни онгига синдириб, аёл вақтида соғлигини тиклаб олди».

Ҳаётимизнинг бирон соҳаси йўқки, у ҳақда Сизнинг ўз қараш ва хулосаларингиз бўлмаса. Бу қарашлар болаликдан пайдо бўлиб, ур

ЎЗИНГИЗНИ КИМ ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗ?

давомида амал қилади. Биз аллақачон шаклланиб бўлган қарашларимизни камдан-кам таҳлил қиламиз. Табиийки, биз уларга ишонамиз, бўлмаса уларнинг нима кераги бор? Бизга пул ишлаб топиш қийин туюладими - ҳақиқатда ҳам шундай бўлади. Ўзини ҳеч нарсага қодир эмас деб ҳисоблаган одам ҳақиқатда қадрсиздир. Агар ҳаёт бемаъни десак, оқибат ҳақиқатан ҳам шундай бўлади, деб хулоса чиқаради психологлар.

Кўпчилик фикрини билиб-билмаган ҳолда ўзига қарши ишлатади. Муаммоларингизни диққат билан таҳлил қилсангиз, уларнинг аксарияти нотўғри ёки чекланган қарашлар натижаси эканлигини англайсиз. Шу сабаб агар одамлар билан муносабатда қийналсангиз, бу муносабатга нисбатан қарашларингизни қайта кўриб чиқинг. Соғлиқ, даромад борасида муаммога тўқнаш келверсангиз, демек, шулар ҳақида нима фикрда эканлигингизни яхшилаб ўйлаб кўринг.

Психология фани исботлайдики, онг қандайдир фикрни қабул қилгани, бас, унинг тўғри-нотўғрилигидан қатъи назар, айни ишончнинг оқловчи фикрларни ишлаб чиқараверади. Айтилик, Сиз ким биландир муносабат ўрнатиш осон эмас, деб ўйлайсиз. Онгизга ўрнашиб олган бу ишонч мана бунга ўхшаш фикрлар билан мияни тўлдирга бошлайди: «Мен ҳеч қачон ўзимга ёқадиган одамни учратасанми», «Муносабат ҳамроҳини топиш мумкин эмас», «Муносабат турғун бўлмайди, у доим ўзгарувчан» ва ҳоказо. Ана энди ўзингизга жуда ёқадиган инсонни учратсангиз ҳам миянгиз: «Бу одам мен орзу қилгандек яхши бўлмаса керак», «Овора бўлишга арзаймайди, барибир, ҳеч нарса чиқмайди» ё «У менга ҳечам қизиқмайди» каби асоссиз фикрларни қалаштириб юборади.

Ва онг худди оҳанрабо каби бу фикрни исботловчи ҳаётий мисолларни атрофига жамлаб, бунинг аксини бўлган ҳолатларни инкор этаверади. Мия Сизнинг қарашларингизга мослашиб, уни тасдиқлаб, ҳаёт ҳақиқатларини тўғри ёки нотўғри кўрсатиш қобилиятига эга.

Бошқа томондан, қалбингизга, ҳалол даромад қилиш йўллари кўплигига, соғлигингиз мустаҳкамлигига ишонсангиз, бас, шу заҳоти атрофингизда бу фикрларни исботловчи ҳаётий далил топилади.

Ҳаётнинг барча чигал ҳолатларида, билингки, муаммо ҳам, унинг ечими ҳам Сизнинг ўзингиз. Бу гап галати туюлиши мумкин, аммо қарама-қаршилик ташқаридан эмас, ўзингиздан — нимага ишонишингиздан бошланади. Қатъий ишончларингизни ўзгартирсангиз, Сиз учун бутунлай янги ҳаёт эшик очади.

Айтилик, «дўст топиш қийин» деган фикр билан Сиз дўстлашиш-

ни истамаётганингизни тасдиқлаясиз. Аниқроғи, бунга тайёр эмасиз. Ҳеч қачон Сиз ўзингизни шу фикрда эканлигингиз учун айблайсиз, онг Сиз унга берган бемаза овқатни «ширин» деб еяверади.

Янги дўст орттириш қийин эмаслигига ишонганингиздан сўнг, албатта, кун-кун ора меҳмонга чақирилмайсиз. Балки, янги танишлар ҳам кўпайиб кетмас, аммо сиз бу муаммога муносабатингизни ўзгартирдингиз. Бирдан англайсизки, бундай муаммонинг ўзи йўқ. Ниҳоят, атрофингизда вужудга келган вазият учун ўзингиз жавобгарлигингизни англаб, ҳаётга тахлили назар билан қарайсиз, ўзгаришингиз шартлигини тан оласиз. Янги танишлар орттириш қийин эмаслигига ишонгач, онг бу икромни тасдиқловчи кўплаб далиллар топади ва хар бир ҳаётий ҳолатдан бу мақсадингизни амалга ошириш учун унумли фойдаланишга уринасиз.

«Минг марта уриндим, чикмади»

«Бажаришим муҳим эмас»

«Ҳаёт мураккаб»

«Хар доим нимадир ишқал бўлади»

«Нимагадир эришиш учун таниш-билиш керак»

«Ҳеч нима ўз-ўзидан кетмайди»

«Нима қилишни билмайман»

Агар бу фикрлардан биронтаси Сизга таниш, яқин бўлса, дарҳол уни янги ижобий фикр билан алмаштиринг. Ҳалаба — Сизга омадсизлик олиб келаётган бузғунчи фикрларни миянгиздан чиқариб ташлашга куч топишингиздир. Миллионлаб одамлар ўзларининг ҳаётларидан қониқиб яшайди. Уни ўзгартаришга уриниб ҳам кўрмайдилар. Уларнинг фикрича, яшаш гоётада оғир, тақдирдан қочиб бўлмайди. Уларни ҳеч нарса яхшилаб силкитиб, ҳушёр торттирмайдими? Сизни-чи?

ишончларни мустаҳкамлаш усулидан фойдаланиб бу қарашларни онгизга қатъий жойланг. Тўғри, бирданига кўп натижага эришиб бўлмайди. Хар ойда бир-иккита янги ишонч онгизга сингдиринг. Вақт ўтиши билан жуда кўп кучли ишончларга эга бўлганлигингизни ва улар ўз фойдангизга ишлайганини англайсиз.

МУСТАҲКАМЛАШ

Мустаҳкамлаш усули (техникаси) жуда осон. Аслида, сиз ундан тугилган пайтингиздан бўён фойдаланасиз. Дастлаб у сизга гапирининг ўрганганингизда қўл келган, кейинроқ кўпайтириш жадвалини ёдлаганингизда. 6х6 ёки 7х8 неча бўлишини дарҳол айтиб берасиз, чунки уларнинг жавоби кўп такрорлаш оқибатида онгизга ўрнашиб қолган. Эслаб кўринг-а, кўпайтириш жадвалидан мисолларни неча марта ёзиб, қанча такрорлагансиз? Тўғриси, бунинг аниқ билмайсиз. Ўқишни ҳам такрор-такрор бажаргансиз. Сўз, жумлаларни қайтаргансиз, тўғрилагансиз ёки хато қилганингизда, сизни тўғрилаган Шунинг учун ўз она тилингизда қийналмай гаплашасиз, чунки у миянгизга илдиз отиб, мустаҳкам ўрнашиб олган.

Хар қандай янги маълумот, гоё ва ишонч миянгизга мустаҳкам ўрнашиб олгандан кейингина уни амалда қўллай бошлайсиз.

Гоё миянгизга мустаҳкам ўрнашиб олиши учун ишонч билан мулоҳазани бир-бирига мослаштиринг, уйғунлаштиринг. Гоёни такрорланг, ўйланг. Фикрингизга қарши чиқаётган барча шубҳа-гумонларни рад этинг-да, фақат танлаб олганингиз ижобий фикр сиз учун ҳаётий ҳақиқат бўлсин. Янги гоё нихолдек нозик: ўзини тиклаб олгунча алоҳида парвариш талаб қилади. Диққат-эътиборли, синчков бўлинг: агар ғамхўрлик қилмасангиз, сизнинг бебош, эски гоёларингиз мисоли фикрловчи уруғлар каби қайта ўсиб чиқади ва нозик гоёларингизни чирмаб «сўлдиради».

Хар қандай янги гоё, фикр онгизда илдиз отиб кўкаргунча аввало ўсиб чиқиши керак. Бу жараён маълум фурсат талаб қилади. Гарчи сиз бир, икки... йигирма марта талаб янги гоёни қамчилаб такрорлаганингиз билан ҳеч ўзгариш бўлмаслиги мумкин. Янги ишончнинг самараси онгизда томир отиши учун бир ойдан уч ойгача бўлган муддат ўтиши керак. Бу дегани 30 кундан 90 кунгача хар кун 5-10 дақиқа давомида янги гоёни ишонч билан такрорлаш машқини бажаришдир. Бир-икки марта ўқиш йўли билан янги гоё, эътиқодни амалга ошироқчи бўлган одамларнинг мағлубиятга учраш сабабларини тушундингизми? Шунинг учун чала-ярим куч бериб вақтингизни сарфлаш ва оқибат умидсизликка тушиб, ҳафсала пир бўлмоғидан нима фойда?

«Мен бунинг тушунишга интилдим, лекин ҳеч уддасидан қиқолмадим», — дейишди улар афсус билан. Лекин улар етарлича ҳаракат қилдиларми? «Доно фикрлар аллақачон юз марта лаб ўйлаб кўрилган. Лекин у чинакам Сизники бўлиб, миянгизда чуқур илдиз отиши учун яна ва яна мулоҳаза қилиш керак», — деган эди Гете.

Энди ушбу гапни қайтаринг: Хар қандай ишонч илдиз отиши ва мева бериши учун вақт ва эътибор талаб қилади. 3-март.

Жон Ленноннинг мана бу сатрлари ҳам бизни ўзимизга ишонишга даъват этади:

«Ўзингни ким деб ўйлайсан? Юлдузмисан? Нима ҳам дердим, сен ҳақсан».

Энди сеҳргар эканингизга ишондингизми?

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ушбу ҳадиснинг ҳақиқий маъноси англашилади: «Аллоҳ таолодан дуоларингизни қабул қилишга чин дилдан ишониб сўранглар. Аллоҳ таоло дили гофил ва бепарво кишининг дуосини қабул қилмайди». Илоҳим, барчамизни гофил ва бепарво бўлишқидан асрасин.

Мавзуни яна давом эттираемиз. Гулгун СУЛТОНОВА, журналист

ёки илон ютганмисиз



ЎЗ УЛУФВОРЛИГИНИ ИСБОТЛАНГ!

Гарчанд ўзингизни бирданига ишонтиришингиз қийин бўлса ҳам, миянгизда ижобий фикрларни қарор топтиринг. Онгизга хар қандай фикр ёки гоёни мустаҳкам ўрнаштиришга қодирлигингизни эслатиб туринг. Мия бунинг қабул қилади, фақат бунинг учун фикрни чуқур ҳис қилган ҳолда бир неча бора такрорлаш керак.

Мия ҳосил қилинган одатлари буйича ишлайди. Агар сиз ҳозиргача миянгизда чекланган қарашлар илдиз отишига имкон берган бўлсангиз, қатъият билан уларни ҳайдаб чиқариш мумкин. Бунинг учун янги ижобий фикрларни такрорлаб туриш шарт. Шу тариқа миянгизда ўзига хос тозалаш ишларини ўтказасиз: мисоли жиҳозларни янгилаб, эшик ва деворни қайта бўяйсиз. Барча эски, бузғунчи ва Сизни камситувчи фикрларни, улар, ҳатто, онгизингизда чуқур илдиз отган бўлса ҳам, итқитиб ташлаб, янгиларига алмаштириш вақти келди.

Куйидаги рўйхатни диққат билан ўқиб, унда Сизга таниш фикрлар бор-йўқлигини аниқланг:

«Мен бу ишни қилолмайман»

«Бундан ортигига эришолмайман»

«Ҳозир имкониятларим чекланган»

ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ ИШГА СОЛИНГ

1-КАДАМ

Ўзингизга қийин, мураккаб бўлган соҳаларни ажратиб олинг: масалан, иқтисодий аҳволингиз, ўзаро муносабатлар, соғлиқ, тадбиркорлик ва ҳ.к. Бу борадаги ўз қарашларингизни ёзиб чиқинг. Вақтни аяманг, ҳақиқатдан юз ўғирманг. Ёзиб бўлгач, рўйхатни синчиклаб қараб чиқинг. Чегараланган фикрлар йўқми? Агар вазифани тўғри бажарсангиз, бу жараён кўп нарсани ойдинлаштиришга имкон беради.

2-КАДАМ

Хар бир чекланган фикр қарши-сига янги ижобий тасдиқни ёзиб чиқинг. Масалан: Маошни оширишнинг йўли йўқ — Яхши маош олишнинг йўллари кўп;

Одамлар билан танишиш қийин — Одамлар билан танишиш жуда осон;

Яхши дўст топиб бўлмайди — Яхши дўст топилади;

Одамларга қўшилмайман — Одамлар билан мулоқотнинг йўли кўп;

Бу лойиҳа устида ишлашга вақтим йўқ — Бу ишга истаганча вақт топаман.

Энди куйида айтиб ўтиладиган

«Шарқ»дан порлаётган

қўёш

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти Бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ахрор АХМЕДОВ билан суҳбат



(Боши 1-бетда)

— Жаҳон тафаккури дурдонаси ҳисобланган китоблар турли халқ ва миллатларни ягона осмон, ягона Қўёш атрофида бирлаштиради. Ана шу руҳда чоп этилаётган китоблар ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Тўғри айтасиз. Биз фақат ўз қобилигимиз, ўз адабиётимиз атрофидагина айланшиб қолсак бўлмайди. Ҳамонки, барча жабҳаларда жаҳон андозаларига чиқиш мақсадимиз экан, у андозаларнинг ўзи қандайлигини аввало билишимиз керак бўлади. Жамиятимизни маърифатли қилмоқчи бўлсак, бугунги дунё адабиёти, жаҳон классикасини ўз ўқувчиларимизга вақтида етказиб бериб туришимиз керак. Энг сўнгги илғор асарлар таржимаси, «шедевр» асарларни бугунги кун китобхонига тақдим этиш ҳам фаолиятимизнинг муҳим қирраларидан бири. «Жаҳон адабиёти дурдоналари» туркумидаги машҳур грузин адиби Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни», Чингиз оғанинг асарлари, Маркеснинг асарлари шулар жумласидандир. Немис адиби Хелмут Хейненинг дунёга маълум «Чўл бўриси», Ирвин Шоунинг «Тунги дарбон» каби янги таржималарини ҳам мисол қилиш мумкин.

— Яхши китоб қалбимизга ҳаёт нафасини олиб киради. Айрим оилаларда болани китоб ўқишга ўргатишмайди. Ваҳоланки, китоб — буюк тарбиячи. Болаларга атаб чоп этилган китоблардан кўнглингиз тўладими?

— Умуман олганда бу йўналишда ҳам қизгин ишляяпмиз. Лотин имлосига ўтилгач, болаларга адабиётлар етказиб беришда маълум бўшлиқ пайдо бўлганди. Уни тўлдириш, тўлдирганда ҳам пишк-пухта, мазмунли, тарбиявий аҳамияти юқори асарлар чоп этишда ҳамма нашриётлар астойдил жон куйдиришяпти. Жумладан,

биз ҳам. Болалар учун чиқараётган китобларимизнинг мазмун-мундарижасидан кўнглим тўлган ҳолда, уларга ишланадиган расмлар, безаклар, умуман дизайн масаласида ҳали кўп ишлашимиз керак.

Китоб графикаси соҳасининг истиқболи тўғрисида жиддийроқ ўйлаш керакми дейман. Биздаги ёши каттароқ рассомлар фақат кўлда чизади, ёшлар эса компьютерда ишлашни яхши билди, лекин улар рассом эмас. Бугунги китоб ноширчилиги, уни безаш санъати ана шу иккала истеъдодни бирлаштиришни тақозо этади. Институтда рассомликни ўргатади. Лекин яхши расм чизадиган битирувчи ёшлар компьютерда ишлашни мутлақо билишмайди. Айримлари тўрт йил ўқиш даврида бирор марта ҳам компьютерда ишламаган. Дизайн институтининг моддий-техника базасини кучайтириш керак шекилли.

Лекин шунга қарамай болалар учун жуда катта миқдорда китоблар чиқараяпмиз. Эртақлар китобларининг ўзи бир дунё. «Мактаб кутубхонаси», «Боқчага — дўмбоқчага», «Ўзимиз эртасиз ёзамиз» деган туркумларимиз бор. «Жаҳон саргузашт адабиёти» туркумида «15 ёшли капитан», «Капитан Грант болалари», «Сув остида 80 минг километр», «Гулливернинг саёхатлари», «Том Сойернинг бошидан кечирганлари» каби болалар адабиётининг бебаҳо асарларини чоп этишда, тўғриси, бироз ҳадиксиратган эдик. Катта ҳажмдаги қалин китобларни янги имлода болалар ўқий олармикан деган хавотир ҳам йўқ эмасди. Йўқ, шуларнинг бариси 2 — 3 қайта нашр бўлди. «Алпомиш»ни, «Гўрўгли»ни чоп этдик. Хуллас, ишляяпмиз...

— Мамлакатимизда турфа хил нашриётларнинг пайдо бўлиши, шубҳасиз, демократия мезонидир. Ишонимизки, вақт аталмиш олтин тарозининг сарагини саракка

чиқаради. Аммо сир эмаски, «бозорбоп», «харидорбоп», энг ёмони, саёз китоблар кўпайиб бормоқда. Бу эса китобхонлик савиясини тушириш билан бирга, халқимиз маънавиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айтингни, бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

— Бу саволга қанийди бир аниқ жавоб бўлса. Назаримда бу аввало нашриётлар жамоасининг виждонига тааллуқли. Бозор иқтисодиёти шароити баъзан шундай ишларга ҳам мажбур қилади. Лекин бундай китоблар асосан майда нашриётлар, кичик типографияларда чоп этилмоқда. Ана шулар билан бу борада ишни кучайтириш, керак бўлса, назорат ўрнатиш зарур. Бундай китоблар дастлаб «сарик матбуот»да ҳикоя тарзида пайдо бўлади. Кейин улардан китоб «ясашади». Балки эътиборни ана шу дастлабки жараёнга қаратиш керакдир. Мен сизга яна бир гапни атай, ўлдим-қуйдим, очикчасига «тўшакбоп» мавзуларнинг асосий муаллифлари аёл ижодкорлар. Бунисига нима дейсиз?..

— Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йил олдин миллий гурур, фахр-ифтихор ҳақида ёзган бир мақолангизда, янглишмасам ўзимизда ишлаб чиқарилаётган дафтарлар сифати, муқовасидаги суратлар ҳақида куйиниб ёзган эдингиз. Мамлакатимиздаги энг нуфузли компаниянинг масъул ходими сифатида бу борада бугун амалга оширилаётган ишлар ҳақида нима дейсиз?

— Ҳа, 5 — 6 йил бўлиб қолди бу гапларга. Миллий гурур, ватанпарварлик, фидойилик деган тушунчаларни жуда баланд мавзулардан қидирмаслигимиз керак. Уни ҳар биримиз ўз ишимиз, туриш-турмушимиздан бошласак яхши. Ушанда «яланғоч» дафтарлар энди кириб келаётганда. Яхши мақола бўлиб-

ди, деб табриклашди. Лекин шу билан бари тугади. Мана ҳозир шунақа дафтарлар ҳаммаёқни босиб кетди. Миллий гурур, ватанпарварлик тўғрисида энг кўп биз гапирамиз. Газеталаримизнинг 1-2-бетлари шундан иборат. Лекин амалий иш кам. Дафтарлар эса кириб келаяпти. Бозор устига кичик типографиялар ҳам фақат дафтар босаяпти, ўшаларникидан «савияси» қолишмайдиган тарзда. Ҳеч ким уларнинг мушугини пишт демаса. Дейлик, гиёҳванд моддалар кириб келишининг пайини қирқиш учун жуда катта ишлар қилинади. Бу жонни, жисмни емирса, савиясизлик юракни, онгни емирмайдими?

— Бозор иқтисодиёти шароитида хориж билан ҳамкорлик ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиши билан бирга, маҳсулот сифати ва замонавийликни ҳам таъминлайди. Хориж билан ҳамкорлик, айниқса, ноширчиликда асосий ўрин эгаллайди. Шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

— Ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди. Айниқса, ноширчиликда. Нимага бундай дейётганим — ноширчиликда ишлатиладиган қоғоз, бўёқ, елим, пластика ва яна кўплаб хом ашёлар асосан чет элдан келтирилади. Матбаачиликнинг 90 фоиз хом ашёсини ташқаридан оламиз. Келажақ нуктаи назаридан ана шу фоизларни камайтириш (қанийди йўқотиб бўлса) устида катта миқёсда ишлаш керак. Бу масаланинг бир томони.

Иккинчи томони, чоп этиш машиналари, ускуналар ва технологиялар. Бу борада жаҳоннинг энг илғор техника-технологияларини ўзлаштираяпмиз. Ҳозир бизда чоп этилаётган китоблар чет элликдан деярли қолишмайди. Бунга халқаро китоб ва ускуналар ярмаркаларида қатнашимиз, улар тажрибасидан ўрганишимиз қўл келмоқда.

— Бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз? Албатта, кун бўйи китоблар оламида яшаган сиздек одам уйга бориб яна китоб ўқимас?

— Афсуски, ўқишга тўғри келади. Ишда асосан кўлёмалар, янги чиққан китобларимизни кўрсам, бошқа нашриётлардаги дўстларнинг китобларини уйда ўқийман. Лекин кейинги пайтда ўзимдаги бир ҳолатни сезиб қолдим. Уйда, бўш вақтда ҳам китобни муҳаррир сифатида ўқийдиган бўлиб қолибман. Бунда маза қилмайсиз, ишлайсиз. Бу дегани бўш пайтим йўқ дегани эмас. Спорт кўрсатувларини қолдирмайман. Дўстлар давраларини яхши кўраман. Дўстларим, суҳбатдошларим кўп, мириқиб гурунлар қиламиз.

— «Шарқ»да чоп этилган китоблардан ташқари сўнгги кунларда нималарни ўқидингиз?

— Ўғлим Гарри Потер саргузаштларини томма-том ўқиб боради. У ўқиб бўлиши билан мен ўқияпман. Лекин бу орда ҳам муҳаррирчасига ўқийман. Ҳеч ваҳима қиладиган гап йўқ. Ўзимизнинг Худойберди ака-

нинг «Сарик девни миниб»и бадиийлик нуктаи назаридан ундан баланд. Унда фақат янги технологиялар, техника имкониятлари кўпроқ ҳолос. Фарида Афрўз, Иқбол Мирзо, Сирожиддин Саййиднинг қаерда китоби чиқса, шуни топиб ўқийман.

— Бир пайтлар чиройли муқоваланган чўнтак китоблари бўларди. Инсоннинг доимий ҳамроҳи бўладиган ана шундай митти китоблар чоп этилса қандай яхши бўларди.

— Буни қарангки, кейинги пайтда худди шу ишларни яна тикладик. Яқинда Ҳазрат Навоийнинг туғилган кунига рус тилида ул зотнинг ҳикматли сўзларини жамлаб «Афоризми А. Навои» номли кичкинагина совгабоп китоб чиқардик. Илгари бундан 20—25 йил олдин «Шарқ мумтоз шеърияти дурдоналари» сериясида 30 — 40 та чўнтакбоп китоблар чиққанди. Ҳозир уни яна қайтадан тикладик. Ҳозиргача Навоий, Шерозий, Маҳтумқули, Убайдийнинг энг сара ижодлари чиқди. Уни рус тилида ҳам параллел олиб бораяпмиз.

— Китоб, китобхонлик ва маънавият ҳақида муштарийларга айтмоқчи бўлган яна қандай фикрларингиз бор?

— Ёшлигимиздан ота-она, бува-бувилар нонни эъзозлашни ўргатишади. Уни ерга ташлама, босма, кўзингга сурт, дейишади. У пайтда ёш гўдак бунинг мазмунига етмайди. Лекин беихтиёр қулоқ солади. Китобга ҳам оилада ёшлиқдан шундай муносабат яратиш керак. Нон қорин тўйғазади, китоб нима қилиб беради, дейдиганлар ҳам бор. У инсонга ақл беради, фикр беради. Дени Дидронинг бир гапи бор: «Ким китоб ўқишдан тўхтаб, фикрлашдан тўхтабди». Фикрламаган одамни кимга ўхшатиш мумкин? Балки у китоб ўқиган одамдан бой яшар, лекин ички бир ҳаловат, хотиржамлик, руҳий мувозанат, устунлик бўлмайди.

Шунинг учун китобхонлик, китоб ўқиш тарбияси, маданияти, керак бўлса, технологияси устида жиддийроқ бош қотириш керак. Бир қатор чет давлатларда «Китоб кунини», «Китобхонлик кунини», «Болалар учун лоторея орқали китоб» каби байрамлар, махсус саналар бор. Халқаро китоб ярмаркалари машина ярмаркаларини синдиришмоқда. Бизда ҳам мана шундай тадбирларни уюштириш керак.

Агар эътибор берган бўлсангиз, яқинда Москва шаҳри мэри Юрий Лужков ажойиб бир гап айтди. Москва шаҳридаги 2000 га яқин қиморхона, казино ва шунга ўхшаш ўйинхоналар ёпилибди. Уларнинг ўрнига мэр нима очиб ҳақида буйруқ берибди деган: китоб дўконлари!

Франкфуртдаги халқаро китоб ярмаркаси дунёда энг йирик кўргазма ҳисобланади. Дунёнинг деярли ҳамма мамлакатидан келишади. Бу ўша халқнинг маънавиятини ўзига хос намоишига айланган. Ўша кўргазманинг бош дарвозасига «Китоб дунёни қутқаради» деб ёзиб қўйилган. Дунёни гўзаллик, истеъдод қутқаради, деган гаплар бор эди. Шунга ҳайрон бўлдик. Лекин бир ҳафталик китоб дунёсида яшаганимиздан кейин бу гап тўғрилигига амин бўлдик.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош:
Амина ҚОДИРОВА,
«Ишонч» муҳбири

Воқеий ҳикоя

Яхшилик ва яхши сўз—кўнгил подшоҳи, дейдилар. Дарҳақиқат, яхши сўз ва муомала қалбларни бир-бирига боғлайди. Ёмонлик, совуқ муносабатлар эса пурмехр, ошуфта дилларни-да совитади.

Ўшатма қилиб айтилган бир мақолни эшитгансиз: «Яхши гап билан илон инидан чиқади». Билмадим, шахсан ўзим бунга ишонмайман. Бироқ, бадфеъл ёндашувлар нафақат инсон, балки бошқа жонзотлар, ҳатто илонларга ҳам хуш келмас экан...

Тўйнинг эртаси кун. Укам ва жиянларим ҳовли сатҳидаги стол-стулларни Зайнининг аравасига жойлашяпти. Уй бекалари эса ижарага олинган идиш-товуқларни санаб, хонтахта устига жамлаш билан овора. Шу пайтда ёнгил машинанинг сигнали эшитилди. Чиксам, кадрдон жўраларим— Абдувоҳид билан Салоҳиддин. Ёнларида бир нотаниш меҳмон ҳам бор. Кучоқ очиб, уларни қарши олдим.

— Узр, жўражон, тўйга етиб кела олмадик.

— Ҳечдан кўра кеч, деганлар-ку.

Бир зумда дастурхон ёзилди. Бу орада суҳбат анча кўр олди.

— Тўйлар чарчатмадим, жўражон?

— Йўқ, хурсандчиликда чарчоқ билинадими? Ҳавонинг очилиб кетгани жуда яхши бўлди-да.

Гап орасида нотаниш меҳмонга бир-икки қарадим. Тортиниб ўтирибди. Ўзи қотмадан келган, чўзиқ юзли, биз тенги киши. Тиши йўқлигидан таом чайнаётганда икки лунжи бўртиб-бўртиб чиқиб турибди.

— Ҳа-я, сизларни таништирмабман,—деди Салоҳиддин хижолатли оҳангда. —Ҳаққул овчи деб эшитгандирсизлар. Ўзлари асли Баланқашлоқдан.

Танишувдан сўнг суҳбат мавзуси овчилик ҳақида борди. Гали келганда меҳмонимиз қўлига ичимлик куйилган пиёлани олиб, яхши тилакларни изҳор этди. Газак учун оғзига солган бир бўлак этни ҳали у, ҳали бу лунжида пуйпаб ўтирди. Суҳбат асносида яқинлик пайдо бўлаётганлиги боис унга ҳалитдан кўнглимда туғилган саволни бердим.

— Бу, ҳали ёшсиз-ку, ака. Бари тишларингиз тушиб кетибди.

— Ҳа, энди... — меҳмон дастурхон четидаги сочиқни олиб оғиз ва қўлларини артди. Кейин эса ички дард билан «уф» тортиб қўйди. — Бунинг тарихи узун, оғайни.

— Тиш қўйдирсангиз бўлмайдими? Ҳозир тиббиёт жуда ривожланиб кетган.

— Бўлмас экан. Докторларнинг айтишича, жағ этлари силжиб кетибди.

Ҳаққул овчининг айна пайтда кўнглидан нималар кечаётганини билиш қийин эмасди. Елкалари чўкканнамо бўлиб бироз жим турди-да, сўнг яна дадиллашди.

— Ҳаммасига ўзим сабабчман. Келинлар, сизларга бундан 36 йил аввал юз берган бир воқеани сўзлаб берай.

Акам Қамбар мендан кўра кўпроқ ов шинавандаси эди. Ҳар гал уйига кирганимда раҳматли отамдан қолган милтиқни бўлак-лаб, кигиз бўлакчаси билан тозалаб ўтирганини кўрардим. Гоҳида Раҳмат деган шериги билан, гоҳида ёлғиз ўзи 2-3 кунлаб овга чиқиб кетарди. Баъзан мен ҳам уларга қўшилиб борардим.

Бир кун саҳарда оралиқ деворимиздан бош чиқариб

акам чақириб қолди. Ёнига чикдим, икки елкасида иккита милтиқ. Раҳмат аканинг милтиғини менга тутқазди. Белбоққа қанд-курс, кўкпийёз ва нон тугиб, йўлга отландик. Айриқўл ёқасига етиб борганимизда уфқ гардиши қизариб, тонг ёриша бошлаганди. Бу ёғига 10-15 метр фарқ билан изма-из зовур ёқалаб борардик. Акам эгри ўсган ёлғиз жийда новдасига белбоғли тугунни қистириб қўйди-да, мен томонга ўгирилди. Кўрсаткич бармоғини лаблари устига қўйиб, «жим» маъносини бер-

гач, ўзи тупроқ уюмлари панасига ўтиб кетди. Мен ҳам унинг изидан бордим. «Овоз чиқарма, ҳализамон тустовуқлар кўлга сув ичгани келишадими», деди хушёрликка чақириб. Кейин иккаламиз ҳам ўзимизга қулай жой танлаб, нигоҳимизни кўл соҳилига қадаб, шай турдик. Акам билар экан, бироздан сўнг чумчуқ, каптарлар гала-гала бўлиб шу томонга пастлаб учиб кела бошлашди. Орадан 5-6 дақиқа ўтиб, бири тўда тустовуқлар қанот ёйганча кўл бўйига қўнишди. Акам қўлига кесак олди-да, қамишзор томонга отди. Шунда қушлар «гув» этиб, ҳавога кўтарилишди. Биз имкандан ф о й д а л а н и б уларни нишонга олиб, тепки торта бошладик. Қаноти қайрилиб, кўл ўртасига тушган бир тустовуқ ўзини қамишзорга урди. Ўққа учраган 3 тустовуқни эса илгалки тўрхалтага солиб олдик.

Овимизнинг барори келганидан кўнглимиз кўтарилиб, Деғоза ариғи ёқалаб ўтувчи арава йўл бўйлаб Чабрагузар атрофидаги жарликлар оша юрдик. Наврўзтепа худудидаги хилватликларни ҳам икки соатда айланаб чикдик. Аммо аксига олиб, нишонга оладиган бирорта арзирли ўлжа учрамади. Таваккал қилиб, Қоратўғ бағридаги Какликдара хилватликлари томонга йўл солдик.

Адирликнинг ҳавоси тоза. Ҳали рангинлиги қайтмаган, мафтункор яшилликлар самовий мовийлик билан уйғунлашиб, ўзига хос жозибаси касб этган. Ёйилиб ўтлаётган кўй-қўзилар сафидан чўпоннинг келбатли кучуқларининг бўғиқ, таҳликали ақиллашлари эшитилиб турарди. Шу пайт акамдан ўн қадамча олдиндаги бутуқ остидан оқ қуён югуриб чиқиб, қочди. Кетма-кет ўқ уздик. Аммо, қайда дейсиз?..

Ўқ овозини эшитгач, қўйлар сафини кесиб, чўпон йигитлар ҳам отларини биз томонга ниқташди.

— Ҳорманг, овингиз бароридан келсин, Қамбар ака!

— Раҳмат!

— Қуён барибир қуён-да, ака, хафа бўлмайсиз.

Сал нарироқда от узағисига оёқ тираб турган мўйловдор йигит ҳам суҳбатдан четда қолгиси келмай:

— Тўғри-да, овчи тутишда қанча ҳийлакор бўлса, қуён чап беришда шунча уздабурон бўлади. Қочган ҳам, қувган ҳам Худо дейди-да.

Чўпон йигитлар қўярда-қўймай бизни ўз ўтовлари томонга бошлаб кетишди. Баҳаво адир этагида ёзилган дастурхон атрофида маза қилиб дам олдик. Акамнинг хотамтойлиги тутиб, ўлжаларимизни ўртага ташлади. Буни кўргач мезбон йигитлардан бири ароқ олиб келди. Суҳбат қизиб борарди. Чўпоннинг катта ўғли Қобилжон гап бошлаб қолди.

— Қамбар амаки, ху анави

— Юр, ука, Қобил айтган ўша қояга ўтайлик-чи.

—Кеч тушиб қолди, ака, уйга кета қолайлик,—дедим.

—Овчининг кечикканидан суюн, деган гапни эшитмаганмисан? Ахир, милтиқ кўтарган ҳамма киши ҳам овчи бўлавермайди-да, укам.

Акам осмонга қарата ўқ узди. Сўнг тоғ сўқмоқларидан тушиб Аждарқоя томон кетди. Мен ҳам ортидан ихтиёрсиз эргашдим. Қояга чиқиб, атрофни кузатдик. Табиатга маҳлиё бўлиб тургандим, дафъатан ўқ овозини эшитиб қолдим. «Қоч, Ҳаққул!»

Саросимада қарасам, акам текис тош устидаги катта илонга милтиқ ўқтаб турибди. Ток ургандек анча вақт доврираб қолдим. Иккинчи ўқ илоннинг нақ бўйига теккан экан, бошини бир-икки ўйнатиб, танасини бирор газ баландга кўтарди. Сўнг бир сакрашда 5-6 метр масофада турган акамга ташланди.

— Ака!!!

Жон ҳолатда ўқ отиб

тиқ. Илон билан қайта тўқнашишга аҳд қилиб, тоғда қолдим. Лекин икки кеча-ю икки кундуз ундан дарак бўлмади.

«Шундай йўқотиш билан қишлоққа қандай қайтиб бораман? Онам, янгам ва жиянларимга нима дейман? Бу гаплар марднинг афсонаси бўлармиди?» Шулар ҳақида ўйлаб, ичимни ўт кемира бошлади. Учинчи кун тонг пайти бироз кўзим илинибди. Турсам остимдаги тошнинг ёнидан ўша илоннинг боши кўриниб турибди. Айри тилини чиқариб-киргизиб ён-атрофга разм солмоқда. Шу тобда бечора акамнинг «от-ма» дея қилган ожизона даввати кўз олдимда намоён бўлди. Жон-жаҳд билан милтиққа ёпишдим, тўртта ўқни ҳам илон миясига бирин-кетин жойладим.

Қулоқларим чинқираб, қон тўлган кўзларимга ҳеч нарса кўринмасди. Бироз фурсат ўтгач, қоядан анча пастроқда одам овозини эшитиб қолдим. Чўпоннинг катта ўғли

ИЛОН КЎМИДА

(Аждарқоя фожеаси)



Қобилжон ҳамқишлоқларимга кўрсаткич бармоғи билан мени кўрсатиб, хабар берарди.

—Ана, Ҳаққул ака! Улар шу томонда дедим-ку, сизларга!

Яқинлар бирин-кетин қоя томонга кела бошлади: «Тавба, икки кунда ҳам уйни ўйлашмайди-я», «Ҳа, буларга ов бўлса бўлди экан-да», «Хайрият, топиб олдик». Ғирашира эшитилаётган бу гаплардан хўрлигим келди. Оёқ-қўлларим икки кун ичида ниҳоятда толиққан, бир ҳолатда турардим. Бор овозим билан уввос солиб йиғлай бошладим. Чўкка тушган ҳолимдан қўлтиқлаб ўтиргизиб, акам ҳақида сўрашди. Мен эса тўлиб-тўлиб йиғлардим. Шундоққина харсанг ковагида воқеага гувоҳ махлуқ тил тишлаб ётарди.

Ҳаққул овчининг кўзлари намланар, дам изтиробдан ўта сўниқ холга тушиб қоларди. Сабрим чидамай унга савол бердим:

— Кейин нима бўлди, кейин...

—Кейинми? Бир амаллаб қоядан пастга тушиб олдик. Ютинганимда томоғим йўлида данак мисоли қаттиқ бир тугун турганини ҳис этиб, тилим ёрдамида уни қўлимга олдим. Қарасам, жағ тишим! Қолган тишларим ҳам ҳеч бир оғриқсиз тўкилиб кетди. Камдан-кам бўладиган бундай ҳолатлар марказдан қайтувчи асаб толаларининг қаттиқ зарби туфайли юз берар экан...

Воқеани тинглаб бўлиб, суҳбат мавзусини ҳаётий ташвишларга ўзгартирдик. Лекин ҳаёлимда ҳамон ҳикоя тафсилотига ечим излардим. «Ҳаёт қонунлари ўзи шунақа. Ўлжа ким-у овчи ким? Биздан кўра ўзингга аён бу сир-синоатлар, Она табиат!»

Ҳар бир гиёҳ, ҳар бир мавжудотнинг бу ҳаётда ўз ўрни, ўз умр йўли мавжуд. Табиат қудрати олдида бир зарра эканлигимизни яна бир карра ич-ичдан ҳис қилдим.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ишонч» муҳбири

ISHONCH


TV 19-25 март

Душанба 19



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахтилнома».

21.40 «Бир ўлка-ки» 22.00 «Илми тақдир». Телесериал премьераси (хиндистон)



17.55 Дастирунинг очилиши. 18.00 UZEX (рус ва инглиз тилларида)



17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 Мультфильм. «Ромка, Фомка ва Арто».

21.30 «Анонс». 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури. 21.45 «Анонс».



Телетомошабинлар дивертал! Профилактика муносабати билан, 19 март кунини «Спорт» телеартисти билан ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлашди.

18.00 «Болалар спорти». 18.20 «Тет-а-тет». 18.30 «Хабарлар» (рус тилида)


ПЕРВЫЙ

06.00 «Анонс». 06.05 «Доброе утро, Россия!» 08.45 Х/ф «Командир счастливой "Щуки"».

21.30 Т/с «Капитанские дети». 22.30 «Спецрасследование». «Заспиритованная Россия».




05.00 «Доброе утро, Россия!» 08.45 Х/ф «Командир счастливой "Щуки"».



06.00 «Сегодня утром». 09.05 «Следствие вели...» 10.00 «Сегодня».

13.25 Т/с «Сашки 5». 15.35 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 16.00 «Сегодня».



08.00 Победоносный голос. 08.30 Х/ф «Я вам больше не верю».



08.00 М/с «Самурай Икс», 2 с. 08.45 М/ф «Серебряное колечко».

17.30 М/с «Том и Джерри». 18.00 Т/с «Коммиссар Рекс». 19.00 Т/с «Моя прекрасная няня».




05.45 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бич». 06.30 Такси. 06.55 «Глобальные новости».

Сешанба 20



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

21.40 «Кушлок ҳайли». 22.00 «Илми тақдир». Телесериал.



6.55 Дастирунинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-қўнғиловлар дастури.

23.20 «Саломея». Сериал. 23.50 - 23.55 Ватаним!




Телетомошабинлар дивертал! Профилактика муносабати билан Сешанба 20 март кунини «Ташкент» телеартисти билан ўз кўрсатувларини 17.50 дан бошлашди.

17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 Мультфильм. «Ромка, Фомка ва Арто».




7.00 «Доброе утро». 8.00 «Хабарлар» (рус тилида) 8.20 «Болалар спорти».

Художественный фильм. 23.20 Еврофутбол. Германия чемпионати. «Шальке-Штутгарт».




05.00 «Анонс». 05.05 «Доброе утро» 09.00 «Новости».




05.00 «Доброе утро, Россия!» 08.45 Д/ф «Война за океан. Подводники».

03.15 Т/с «Закон и порядок». (США). 04.00 Т/с «Гора». (США).




06.00 «Сегодня утром». 09.05 «Следствие вели...» 10.00 «Сегодня».



08.00 Победоносный голос. 08.30 Х/ф «Пес-чемпион». (США).

11.00 «История в деталях». 11.30 Т/с «Моя прекрасная няня».



06.00 М/ф «В некотором царстве». 06.30 Такси. 06.55 «Глобальные новости».

Чоршанба 21



YOSHLAR

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Байрамнинг кўнгилли ўсини»
8.50 «Ўзбек таомлари». «O'zbektelefilm».

6.55 Дастирунг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.
9.00 Давринг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.20 «Хандалак».
9.45 ТВ-банк.
9.55 Иқлим.
10.00 «Ассалом, Наврўзи! Байрам тантаналари».



«Ассалом, Наврўзи!»
7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информатсион мусикий дастур.

9.55 «Наврўзи олам мубораки!»
10.00 «Ассалом, Наврўзи!» Байрам тантаналари.
12.00 «Баҳорой».
12.10 Кино: «Бегона баҳор». 1-2 қисмлар.
14.15 «Наврўзи олам мубораки!»
14.20 Болалар учун фильм: «Зумрад ва Қиммат».



7.30 «Хабарлар».
7.50 «Маҳаллаимиз пахлавонлари».
8.40 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «АССАЛОМ, НАВРЎЗИ!» Байрам тантаналари.

21.50 «Наврўзи шодибнеси». Байрам концерт дастури.
23.10 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Нефчи» - «Ал-Карам» (Сурия)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПЕРВЫЙ

05.00 Новости.
05.05 «Доброе утро!»
09.00 Новости.
09.20 «Малахов +».
10.20 Т/с «А зори здесь тихие...»
11.20 «Понять. Простить».
12.00 Новости.
12.20 «Лолита. Без комплексов».

РОССИЯ

05.00 «Доброе утро, Россия!»
08.45 Д/ф «Эфир как предчувствие»
09.45 «Вести. Дежурная часть».
10.00 Т/с «Карамболь».
11.00 «Вести».

00.35 Х/ф «Дорога».
02.10 «Дорожный патруль».
02.30 Т/с «Закон и порядок». (США).
03.15 Т/с «Гора». (США).
04.00 Канал «Евроноьюс».
04.40 «Вести. Дежурная часть».

НТВ

08.00 «Сегодня утром».
09.05 «Наше все!»
10.00 «Сегодня».
10.25 «Комната отдыха». В. Лукин.
11.00 «Две правды».
12.00 Т/с «Только ты...»
13.00 «Сегодня».
13.30 Т/с «Закон и порядок».
14.35 Т/с «Москва. Центральный округ».

ТВ-3


08.00 Победоносный голос.
08.30 Х/ф «Кольцо из Амстердама».
10.30 Деньги утром.
11.00 Х/ф «Я вам больше не верю».
13.00 Х/ф «Даун Хаус».
15.00 М/с «Сабрина - маленькая ведьма».

10.00 Т/с «Кадетство».
11.00 Истории в деталях.
11.30 Т/с «Моя прекрасная няня».
12.00 Т/с «Кто в доме хозяин?»
12.30 «Жизнь прекрасна».
14.30 Т/с «Не родись красивой».
15.30 М/с «Подземелье драконов».
16.00 М/с «Смешарики».
16.05 М/с «Приключения Вуди и его друзей».

ТНТ

05.45 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бич».
06.30 Такси.
06.55 «Глобальные новости».
07.00 Москва: инструкция по применению.
07.25 Д/с «Хит-парад дикой природы».
08.20 Кулинар.
08.35 Наши песни.

Пайшанба 22



YOSHLAR

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиботлари».

6.55 Дастирунг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.
9.00 Давринг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.20 Оқим бўлиги!
9.25 «Элмир симфонияси». Сернал.
10.00 Давр.
10.15 Тафохур нури.



7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информатсион мусикий дастур.

8.30 «Анонс».
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекуррьер - маркет».
9.40 «Анонс».
9.45 «Соғинч».
9.55 «Мисли гавҳар».
10.05 «Репортаж».
10.15 «Анонс».
10.20 «2007 йил - Иқтимоий ҳимоя йили».



7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида)
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Перевертүши». Сернал.
9.05 «Малахов +».
10.05 «Хабарлар» (узб тилида)
10.25 Оғир атлетика. Ўзбекистон биринчилиги.

18.50 «Мониторинг».
19.10 Футбол. Мундиал.
19.35 «Кўп яшанг».
20.00 «Вести».
20.20 «ЭРКЮЛЬ ПУАРО». Сернал.
21.10 «Шарк яқажурашлари».
21.30 «Хабарлар» (узб тилида)
21.50 «Беллашув». Дам олиш дастури.
22.50 Еврофутбол.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПЕРВЫЙ

05.00 Новости.
05.05 «Доброе утро!»
09.00 Новости.
09.20 «Малахов +».
10.20 Т/с «А зори здесь тихие...»
11.20 «Понять. Простить».
12.00 Новости.
12.20 «Лолита. Без комплексов».

РОССИЯ

05.00 «Доброе утро, Россия!»
08.45 Д/ф «Человек без маски. Георг Отс»
09.45 «Вести. Дежурная часть».
10.00 Т/с «Карамболь».
11.00 «Вести».

21.05 «Спокойной ночи, малыши!»
21.15 Т/с «Карамболь».
23.15 Д/ф «Судьба поэта. Лебедев-Кумач».
00.15 «Вести +».
00.35 «Зеркало».
00.55 Х/ф «Безумно влюбленные». (США).
02.45 «Дорожный патруль».
03.05 Т/с «Закон и порядок». (США).
03.50 Т/с «Гора». (США).
04.30 Канал «Евроноьюс».

НТВ

06.00 «Сегодня утром».
09.05 «Наше все!»
10.00 «Сегодня».
10.20 «Главная дорога».
11.00 «Две правды».
12.00 Т/с «Только ты...»
13.00 «Сегодня».
13.25 Т/с «Закон и порядок».
14.30 Т/с «Москва. Центральный округ».

ТВ-3

08.00 Победоносный голос.
08.30 Х/ф «Террористка».
10.30 Деньги утром.
11.00 Х/ф «Фотография с женщиной и диким кабаном».
13.00 Х/ф «34-й скорый».
15.00 М/с «Сабрина - маленькая ведьма».

09.30 Т/с «Моя прекрасная няня».
10.00 Т/с «Кадетство».
11.00 Истории в деталях.
11.30 Т/с «Моя прекрасная няня».
12.00 Т/с «Кто в доме хозяин?»
12.30 «Жизнь прекрасна».
14.30 Т/с «Не родись красивой».
15.30 М/с «Подземелье драконов».
16.00 М/с «Смешарики».
16.05 М/с «Приключения Вуди и его друзей».
16.30 М/с «Экстремальная команда».
17.00 М/с «Гаджет и гаджетницы».
17.30 М/с «Том и Джерри».
18.00 Т/с «Комиссар Рекс».
19.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
20.00 Т/с «О.С. - одинокие сердца».
21.00 Т/с «Кто в доме хозяин?»
21.30 Истории в деталях.
22.00 Т/с «Кадетство».
23.00 Т/с «Убойная сила 4». «Курс молодого бойца».

ТНТ

05.45 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бич».
06.30 Такси.
06.55 «Глобальные новости».
07.00 Москва: инструкция по применению.
07.25 Д/с «Хит-парад дикой природы».
08.20 Ваши деньги.
08.35 Наши песни.
09.00 Алло, гараж!
09.30 Т/с «Саша + Маша».
10.00 Т/с «Счастливы вместе».
11.00 М/с «Крутые борьбы».
11.30 М/с «Эй, Арнольд!»
12.00 М/с «Губка Боб Квадратные штаны».
12.30 М/с «Котопес».

Жума

23



5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 20.50 Дунё иклими. 21.00 «Ахборот».



6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.



7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар инфо-мациян мусикий дастури.



7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Хабарлар» (рус тилида) 8.20 «Болалар спорти».

18.30 «Хабарлар» (рус тилида) 18.50 «Эфирда «Машъал».



05.00 Новости. 05.05 «Доброе утро!» 09.00 Новости. 09.20 «Малахов +».



06.00 «Сегодня утром». 09.05 «Наше все!» 10.00 «Сегодня».



08.00 Победоносный голос. 08.30 М/ф. 09.30 М/с «Люди Икс».



08.00 М/с «Самурай Икс», 2 с. 08.45 М/ф «Веселая карусель».


Шанба

24




5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».


дастури. 9.00 Давринг боласи. 9.15 Анонс.



7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар инфо-мациян мусикий дастури.



11.20 «Саломат бўлинг». 11.30 «Ассалом, Наврўз!» Байрам тантаналари.



7.30 «Хабарлар». 7.50 «Наврўз Тонгги». Хужжатли фильм. Ўзбектелефильм.

19.40 АНОНС. 19.50 «Суперлото». 20.00 «Вести».



05.20 Детектив «Линия смерти». 06.00 Новости. 06.10 Детектив «Линия смерти».

председатель КНР. 17.20 «Местное время. Вести - Москва».



05.20 Боевик «Дураки умирают по пятницам».




08.00 М/ф. 09.30 М/с «Люди Икс». 10.00 М/ф.

11.30 Т/с «Моя прекрасная няня». 12.00 Т/с «Кто в доме хозяйин?»



05.45 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бич». 06.30 Такси.




08.00 Х/ф «Таинственный остров». 09.30 М/ф «Девочка в цирке».



07.00 М/ф «Дед Мороз и лето». 07.25 М/с «Приключения Рекса».

Якшанба

25



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».



01.30 - 01.35 Ватаним! 7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар

ПЕРВЫЙ

06.00 Новости. 06.10 X/ф "Салон красоты". 07.50 "Служу Отчизне!"

РОССИЯ

05.55 Детектив "Дело №306". 07.30 "Студия Здоровье". 08.00 "Вести".



7.30 «Хабарлар». 7.50 «Қувноқ» дастури. 8.30 «Хабарлар» (рус тилида)

YOSHLAR

7.25 Дастурнинг очилиши. 7.30 «Ёмғир симфонияси». 9.10 «Наврўз муборак!»

TV-MARKAZ

Душанба 19

07.00 «Премьера» (узб) 07.30 Ўзбек наволари 08.00 «Премьера» (рус)

07.10 Ўзбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус.) 08.10 «Навбат» Рашид Холиков билан

Сешанба 20

07.00 Марказ NEWS (узб.)

Чоршанба 21

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.10 Навруз тароналари

Пайшанба 22

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.10 Ўзбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус.)

Жума 23

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.10 Ўзбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус.)

Шанба 24

07.00 Марказ NEWS (узб) 07.10 Ўзбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус)

Якшанба 25

07.00 Марказ NEWS (узб) 07.10 Ўзбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус)

«MED-PLUS» Соғлигингизни яхшилашни истаб, клиникамиз куйидаги хизматларни таклиф қилади: Невропатолог ва гинеколог врачлар 30 йилдан ортиқ иш стажига эгадирлар.

«ДАЙДИБ ЮРУВЧИ» ЖИСМЛАР Юлдузлар ердан узоклашиб, маълум вақт ўтгач, бошқа жойдан лип этиб чиқиб қолар, гоҳ чархпалак бўлиб учар, гоҳ бир жойда муаллақ туриб қоларди.

Теледастурлар «САДО» МЧЖ дан олинди

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ



*Фидокор халқимизни,
барча касаба уюшма
ходимларини янги ланиш ва
яшариш байрами —
Наврўзи олам билан
самимий муборакбод этади!
Қалбингизни баҳорий
кайфият асло тарк
этмасин!*

*Қуёш, нурунг сочавер мўл-мўл,
Баҳор кетма, бизнинг бошлардан!
Юртимизда қолмасин дашт-чўл,
Чаман кулсин ҳатто тошлардан!*

**Ҳар бир хонадон, ҳар бир шаҳар
ва қишлоғимиз, она диёримиз
нурга тўлсин!**

«Муборакнефтгаз»

**унитар шўъба корхонаси
касаба уюшма қўмитаси**



**Мамлакатимиз фуқароларини, она замин
ҳазинаси кўзини очаётган барча касбдошларни
Наврўз айёми билан самимий табриклайди.
Ҳаммага баҳорий кайфият, тинчлик-хотиржамлик,
узок умр, бахт-саодат, Ватанимиз
мустақиллигини мустаҳкамлаш
йўлидаги улугвор ишларида
муваффақиятлар тилайди.**

**Хонадонингизни
шодлик ва фаровонлик
ҳеч қачон
тарк этмасин!**



Ўзбекистон авиачодинлари касабда уюшмаси Марказий Кенгаши

Тармоқ меҳнаткашларини ҳамда
барча фуқароларни
меҳр-мурувват айёми,
орзу-умидлар рамзи бўлмиш
Наврўз байрами билан самимий
Барчангизга омад ва
муваффақият ҳамisha ёр бўласин!



Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллиги

Мамлакатимиз халқини, нефт ва газ, геология ҳамда энергетика соҳасида меҳнат қилаётган барча ходимларни Наврӯз айёми билан самимий табриқлайди.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонимиз бойлигинини ҳақиқий эгасига айлانган соҳа меҳнаткашларининг иш фаолияти янада ривож топши, дилдаги орзу-умидлари рўёбга чиқишига тилакдошимиз.

Юртимизнинг иқтисодий салоҳияти, халқимиз фаровонлигининг янада юксалиши йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ва яратувчилик ишларига омадлар тилаймиз.

Етти шқлим Нафраси

УЧИШ ТҮРТ СОАТГА КЕЧИҚДИ

Римлик диспетчерларнинг иш ташлаши оқибатида Италия авиакомпаниялари 150 та самолёт қатновини бекор қилишига тўғри келди, дея хабар қилади AFP.

Мамлакатнинг энг йирик авиакомпанияси бўлган Alitalia нинг ўзида 96 та рейс бекор қилинган. Иш ташлаш 4 соат давом этган. Натижада маҳаллий қатновлардан ташқари йўловчилар Амстердам, Франкфурт, Лиссабон, Париж ва бошқа шаҳарларга учиб кета олишмади.

Италияда ишчилар касабга уюшмалари тез-тез оммавий иш ташлашларни уюштириб туришади. Ўтган йилнинг ноябр ойи ўрталарида мамлакатда бирорта газета нашрдан чиқмади. Журналистлар бу билан ўз иш шароитларидан норози эканликларини билдиришганди. Alitalia ходимлари ҳам 2006 йилда бир неча бор иш ташлашиб, авиакомпания раҳбариятидан жамоа шартномаларини қайта кўриб чиқишни талаб қилишганди.



«Миллий фронт» партияси етакчиси Жан-Мари Ле Пен Франция президентлиги учун бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш учун лозим бўлган 500 (шаҳар мэрлари ва парламент аъзолариники) имзони йиғишга муваффақ бўлди, дея хабар қилади AFP.

Қизиғи шундаки, сайловда иштирок

ЛЕ ПЕН ПРЕЗИДЕНТЛИККА ДАЪВОГАР

этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларнинг тайёр бўлганлиги, рўйхатдан ўтказиш тугашига (сўнгги муддат 16 март эди) икки кун қолгандагина маълум бўлди.

1974 йилдан буён сиёсий фаолият билан шуғулланиб келатган Ле Пен шу пайтгача бир марта — 1981 йилдаги президент сайловларига ўз номзодини керакли имзо йиғи олманлиги боис қўймаган. 2002 йилдаги сайловларнинг биринчи босқичида у 17 фоиз овоз олиб, иккинчи ўринни эгаллаганди.

Ҳозирда ҳукуматни бошқараётган партия номзоди Николя Саркози ва социалист Сеголен Руаяльлар бўлгуси сайловларнинг фаворитлари бўлиб турибди. Маҳаллий жамоатчилик фикрини ўрганиш институти мутахассисларининг таъкидлашча, Ле Пен 22 апрел кuni бўлиб ўтадиган сайловларда 13 фоиз овоздан ортиғига умид қилмаса ҳам бўларкан. Нима ҳам дердик, ҳаммасини вақт кўрсатади.

Эслатиб ўтамиз, амалдаги президент Жак Ширак сайловда иштирок этмаслигини расман эълон қилган.

Лембергсн хибсга олишди. Мамлакат бош прокуратураси уни порахўрлик ва хизмат вазифини суиистеъмол қилганликда айбламоқда.

Novo News интернет-газетасининг хабар қилишича, айна пайтда Лембергс сўроқ бериш учун Ригага келтирилган.

Хуқуқ-тартибот органлари Лембергсга 1993 йилдан 1995 йилга қадар бир неча бор пора олганлик ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик ҳамда ноқунуний топилган пулларни легаллаштириш каби айбларни қўймоқдалар.

Россиянинг Свердловск вилоятида 36 вагондан иборат юк поезди темир йўл изидан чиқиб кетди, дея хабар қилади «Интерфакс» ахборот агентлиги.



ПОЕЗД ИЗДАН ЧИҚИБ КЕТДИ

N2355 рақамли юк поезди Екатеринбургдан Пермь вилоятига қараб йўл олган. Ҳалокат Шалинск шаҳри яқинидаги Сабик посёлкасида содир бўлган. Жабрланганлар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Айни пайтда ҳалокат оқибатларини бартараф этиш ишлари бошлаб юборилган. Поездлар ҳаракати ҳозирча Нижний Тагил орқали амалга оширилмоқда. Ҳалокатнинг келиб чиқиш сабаблари эса мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

СИЁСИЙ БУЮРТМАМИ ЁКИ...

Латвиянинг коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш бюроси (КНАВ) ходимлари Вентспилс мэри Айвар

Лембергс хибсга олинмасдан илгарироқ КНАВ айнан уни хибсга олишини айтиб ўтганди. «Кимларни йўқотиш лозимлиги аниқ белгилаб қўйилган. Бу мен, иккинчиси — Шкеле, учинчиси эса Шлесерс. Ҳаммаси ҳал қилиб бўлинган, топшириқ аниқ. Бу сиёсий буюртма» дея изох беради Лембергс.

Мэр жаноблари ўтган йили парламент сайловларида «Яшилар ва деҳқонлар» партияси билан бирга иштирок этганди. Ўшанда улар 16,56 фоиз овоз тўплашиб, голиб — «Халқ партияси»дан бор-йўғи 3 фоизга ортда қолишган.



БОЛАЛАР КУЛГИСИГА НЕ ЕТСИН

Россиядаги демографик муаммо БМТнинг аҳоли муаммолари билан шуғулланувчи бўлими томонидан қилинган маърузадан ўрин олди. Улар берган хисоботга кўра келгуси ўн йилда Россия аҳолиси 140 миллиондан 108 миллионга қисқарар экан.

— Россия Федерациясининг демографик истиқболи уч омилга боғлиқ, — дейди мазкур бўлим бошлиғи Ханья Злотник. — Ташқи миграция, ОИТСнинг тарқалиши ва туғилиш кўрсаткичи. Булар Украинанинг ҳам биринчи даражали муаммосига айланган.



Келгуси 10 йилликда ОИТС эпидемияси оқибатида россияликларнинг ўртача умр кўрсаткичи қисқариб бораверади. Етарлича шарт-шароитларни таъминлаш орқалигина ОИТСга қарши мурасасиз курашиш мумкин, дейди Злотник.

МДХ мамлакатларидан ташқари, Германия, Италия, Япония, Корея Республикасида ҳам аҳоли камайиши тахмин қилинмоқда. Умуман, дунё бўйича 46 мамлакат ушбу муаммо билан рўбарў бўлиши кутилмоқда.

2050 йилга келиб эса Ер шарида аҳоли 9,2 миллиардга етади.

ЁҚИЛҒИ АРЗОНЛАШМОҚДА

NYMEX мажмуасида амалга оширилган савдо натижаларига кўра 15 март кuni апрел ойида етиб келадиган WTI нефтининг бир барелли 61 центга, яъни 57,55 долларгача тушиб кетди. Лондондаги минтақалараро ICE биржасида Brent маркали нефтнинг апрел ойидаги шартнома нархи 8 цент, яъни 60,98 долларгача арзонлашган. ОПЕСнинг нефт қазиб олиш квотаси ўзгармасдан қолиши бўйича қарори нархнинг ўзгаришига таъсир қилди. Табиий газнинг таннархи ҳам апрел ойига 1,8 фоизга пасайган. АҚШда бу кўрсаткичлар сезиларли бўлмаса-да, мазкур табиий бойликларнинг турларига қараб нарх-наволар кўтарилиши кузатилган. Бу эса Нью-Йоркнинг NYSE фонд биржасида акцияларнинг 68 фоизга ошишига сабаб бўлди.



ТОМДАН ТАБИАТ АЖОЙИБ КҮРИНСА-ДА...

Германиянинг Магдебург шаҳрида яшовчи 91 ёшли фуқаро фасл ўзгариши туфайли таъмирлаш учун томга чиққан эди. У томни битум билан сувоқ қилди. Иш деярли тугаши арафасида отахон бехос тойиб кетиб, янги қилинган сувоқ устига

йиқилиб тушади. Қани энди ўрнидан қимирлай олса. Аслида ҳеч ери лат егани йўқ, фақат сувоққа шунақанги мустақкам ёпишиб қолдики, қанчалик ҳаракат қилмасин уринишлари бефойда кетди. Уни бундай ҳолатдан қутқариш учун полиция ва ўт учирувчиларнинг кучидан фойдаланишга тўғри келди. Улар отахонни ҳеч қандай зиён-заҳматсиз ерга олиб тушишди.

ШИКОЯТ РАД ЭТИЛДИ



Ироқ Олий суди собиқ вазир Тәхи Ясин Рамадоннинг апелляция шикоятини рад этди. У суд томонидан ўлим жазосига ҳукм этилган эди, деб хабар беради BBC World.

Энди Ироқ қонунларига биноан собиқ вазир яқин кунларда дорга осилиши керак. Рамадон устидан олиб борилган иш унинг марҳум бошлиғи, собиқ президент Саддам Хусайн устидан олиб борилган махсус трибунал томонидан кўриб чиқилди. У 1980 йилларнинг ўрталарида Дуджейл қишлоғида 148 нафар шиа мазҳабидаги фуқароларни ўлдиришни ташкиллаштиришда айбланмоқда. Бунга мазкур қишлоқда Саддамга нисбатан уюштирилган суиқасд сабаб бўлган.

Саҳифани интернет хабарлари асосида Абдурасул Ёрбеков тайёрлади.

АРХИТЕКТУРА, ПРОЕКТИ И РАБОТ
СТРОИТЕЛЬСТВО, РЕМОНТЫХ РАБОТ
Ф/О ЛЮБАЯ.
Тел: 340-99-37

Футбол

Бу hafta Вадим Абрамов бош мураббийлик қилаётган олимпия терма жамоамиз Пекин-2008 Олимпиадасига йўлланма олиш учун навбатдаги саралаш уйинини ўтказди. Футболчиларимиз Сана шаҳрида Яман терма жамоасига қарши майдонга чиқдилар.

Муҳим уч очко

Уйинни анча кўтаринки кайфиятда ўтказган футболчиларимиз Азиз Ҳайдаровнинг 46-дақиқада берган кучли зарбасидан сўнг ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Ушбу тўп ягоналигича қолди ва вакилларимиз навбатдаги уч очкони ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди.

Гуруҳдошларимиз БАА—Жанубий Корея олимпия терма жамоалари учрашувида ҳам меҳмонлар зафар кучишди. Гуруҳ фаворити ҳисобланган корейликлар амирлик футболчиларидан 3:1 ҳисобида устун келишди.

Энди терма жамоамиз 28 март кuni Сеулда Жанубий Корея термасига қарши майдонга чиқади.

Қолган гуруҳларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди:

«А» гуруҳи. Покистон-Қатар-0:2, Кувейт-Баҳрайн - 3:0.

«В» гуруҳи. Малайзия-Япония-1:2, Гонконг-Сурия-0:2.

«С» гуруҳи. Ливан-Уммон-1:0, Индонезия-Вьетнам-0:1.

«D» гуруҳи. Австралия-Иордания-1:1, Саудия Арабистони-Эрон-1:0.

«E» гуруҳи. КХДР-Ироқ-2:2, Ҳиндистон-Тайланд-0:1.

Акмал АБДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Сўранг, жавоб берамиз!

Катта акаларимдан Улик денгиз ҳақида эшитиб қолдим. Унинг номи нега унақа?

Хумоюн АЛИМБЕКОВ,
Миробод тумани

Улик денгиз дунёдаги энг ғалати сув ҳавзаларидан биридир. Бундан миллион йиллар аввал ундаги сув сатҳи ҳозиргисидан 420 метр баланд бўлган. Бу Урта ер денгизининг сув сатҳидан ҳам юқори кўрсаткичдир.

Уша вақтларда унда ҳаёт бўлган. Аммо буюк қурғоқчилик даврида суви бугланиб кетиши оқибатида ҳозирги аҳволга келиб қолган.

Денгизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири таркибида 23-25 фоиз туз мавжудлигидир. Океан суви таркибида эса 4-6 фоиз туз бор, ҳолос. Агар унинг сувини татиб кўрмоқчи бўлсангиз, у шўрлигидан ташқари хлорли магнийга мўллиги сабабли кўнглингизни ҳам айнитади. Мабодо ушлаб кўрсангиз кальций хлорид кўплиги сабабли мой бўёққа ўхшаб кетади.


Улик денгизда бирор жонзот яшамайди. Кўпинча денгизга Иордан дарёсидан оқиб келган балиқлар тушиб қолади, аммо сувнинг шўрлигига чидаммай, ҳалок бўлишади.

Мунажжим башорати


(19 - 25 март)




ҚҲЙ. Бу haftaда ўзингизни эркин ҳис этасиз. Табиатингиздаги мустақиллик ва жасурлик ўзини намоён этади. Hafta бошида бошингиз ёки тишингиз бироз оғриши мумкин. Қаттиқ қийналсангиз шифокорга мурожаат қилинг. Жисмоний тарбия билан фаол шуғулланинг. Чоршанба ва пайшанба кунлари иккиланишингиз мумкин. Hafta охирида илм уммонига шўнғийсиз.



БУЗОҚ. Ишда орттирган тажрибаларингиз сизга асқотади. Кўнгли очкилингиз ҳаётингизни чиройли ўтишига имкон беради. Чоршанба самарали кечади. Молиявий масалаларингизни ҳал қиласиз. Долзарб мавзудаги суҳбатларингиздан ўртоқларингиз баҳраманд бўладилар. Пайшанба ва жума кунлари бироз оғир бўлиши мумкин, аммо ўзингизни зўриқтирманг.




ЭГИЗАКЛАР. Касб фаолиятингизда қутилмаган мушкулотлар пайдо бўлиши мумкин. Ижтимоий фаолиятингизда ўзгаришлар рўй беради. Ҳаммасини очиқ юз билан кутиб олинг. Жума ва шанба сиз учун энг қулай кунлардир. Ишдаги ва шахсий ҳаётингиздаги ҳамкорларингиз фаолият доиранингизни кенгайтиришига ёрдам берадилар. Жума кuni асабингизни асранг.



ҚИСҚИЧБАҚА. Бу haftaда таълим олиш, саёҳат борасида ўзгаришлар рўй беради. Ижтимоий ҳаётда муҳим қарорлар қабул қилиш учун вазият этилади. Касбингиз доирасидаги ишлар бутун ҳаёлингизни олади. Пайшанба ва жума кунлари моддий қийинчиликларга учрашингиз мумкин. Аммо сабр-тоқатли ва чидамли бўлинг. Яқшанба кунини ўз яқинларингизга бағишланг.




АРСЛОН. Жамоангизда қутилмаганда бирор сизга севги изҳор қилиши мумкин. Ҳамма масалаларни босиқлик билан ҳал қилинг. Бўйсунмаслик кайфияти туглиши мумкин. Ишчанлик ва шахсий муносабатларда ақл билан иш тутинг. Жума ва шанба кунлари ижодий фаолиятингиз кучаяди. Муҳаббат муносабатлари ҳам ўткирлашиши эҳтимолдан холи эмас.



ПАРИЗОД. Кишилар билан ўзаро муносабатингизда ранг-барангликни ҳис этасиз. Ишда ва оилавий ҳаётингизда туб ўзгаришлар рўй беради. Кераксиз ва эскиларидан қутулиб, янги саргузаштларга дуч келасиз. Надомат чекманг, ҳаёт давом этади.




ТАРОЗИ. Сизни совға қутмоқда. Яқин ярим йил ичида тажрибангиз ортади. Соғлигингиз масаласида эътиборли бўлинг. Аммо соғлигингизни асраб-авайлаш учун янги воситалар пайдо бўлади. Ҳар қиллик тартиб ўзгариши мумкин. Яқшанба кунини оила аъзоларингиз ва яқинларингизга бағишланг.



ЧАЁН. Қутилмаганда ишқий муносабатларда ютқазиб кўясиз. Ҳаётингизда севган кишингиз билан муносабатингизда кескин ўзгаришлар рўй беради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз ҳаётингизни чўқур мулоҳаза билан таҳлил қилинг. Ижодий фаолиятингизга жиддий эътибор қилинг. Бу соҳада сизни катта юксалишлар кутмоқда. Бор имкониятни ишга солаверинг.




ЎҚОТАР. Оилавий муносабатларда қутилмаган янгиликлар рўй беради. Яқинларингизга совғалар беришда ташаббускор бўласиз. Орттирган тажрибангизни кейинги ярим йилда тўлиқ мустаҳкамлайсиз. Жума ва шанба кунлари яқин атрофингиздагилар фаолиятингизни қўллаб-қувватлайди. Дадил ҳаракат қилаверинг, омад сизга қулиб боқади.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Атрофингиздагилар тез ўзгарадилар. Бу жараён сизнинг ҳаётингизни ўзгартириши мумкин. Яқинларингиз ва бошқа қариндошларингиздан совғалар оласиз. Ён-атрофингиздагиларга эътиборли бўлинг. Пайшанба ва жума кунлари қонун вакиллари билан муносабатда бўлишингиз истисно этилмайди. Зиддиятли ҳолатга тушиб қолишингиз мумкин. Ҳалол бўлсангиз қўрқманг.



ҚОВҒА. Қутилмаган ҳолатларга кўника олмайсиз. Эҳтимол даромад манбаингиз янгилашиши мумкин. Моддий томондан тажрибангизга таяниб яшашга тўғри келади. Ҳаётингизда рўй берадиган нури ва сояли кунларга ўрганиб қоласиз. Жума ва шанба кунлари фаол ва мустақил ҳаракатингиз билан кишиларни ажаблантирасиз.



БАЛИҚ. Инқилобий ўзгаришлар қалбингизни жунбушга келтиради. Ҳар қандай қутилмаган ҳолатга тайёр туринг. Бироз қийналсангизда ҳаммаси ўтиб кетади. Ҳаётингизда рўй берган қутилмаган ҳолатларни анча пайт эсдан чиқармайсиз. Мунажжим башорати эътибор билан қаранг.

Жумбоқ

САВОЛ:

Ушбу мамлакатда ишсиз, паспортсиз ва уй-жойсиз одамни сувга чўктириш орқали ўлим жазоси кутади. Қайси мамлакат ҳақида сўз кетаяпти?

Ўзбекистон

ЖАВОБ: Ахмоқлар мамлақати.

Ўқ-э!

Бир сўтка давомида инсон танасидан ажралиб чиққан иссиқлик, музлаб қолган 33 литр сувни қайнатилганга етар экан.

Афоризм

Душманингиздан қандай қасос олишни биласизми? Иложи борича унга кўпроқ яхшилик қилинг.

ЭПИКТЕТ

Бир кунини Афанди...

Афандидан бир киши ғалвир сўраб келди. У: — Жон, деб берардим, аммо уч кун бурун ичига сув солиб қўйгандим,— деди. — Ғалвирда ҳам сув турадим,— ажабланиб сўради ҳалиги киши. Афанди эса тутади: — Бермасликка бошқа ваз топиб бер бўлмаса,— деб жавоб қилди.

Изоҳи сиздан...



Муҳаббатдан яралган олам, Севгида бор ўзгача виқор. Уни яна кўркам этмоққа, Бахтимизга шу «Машхура» бор.

Рустам САТТОРОВ,
Наманган шаҳри

Ҳўп иш бўлди, зап иш бўлди, Нурга тўлди кўнглимиз. Айни Наврўз кунига, Белгиланди тўйимиз.

Ташриф этинг, азиз дўстлар, Барча-барчага «миёв». Момиқхондир келинпошша, Бароқвойдирман — куёв.

Асалхон МҲЙДИНОВА,
Янгиқўрғон тумани

XXI аср мушуклари... XX асрда бунақаси бўлмаганди.

Зафар ЖҲРАЕВ,
Чироқчи тумани

Кел маликам, нозингни қўй, Энди сени эрингман. Ҳар балодан асрагучи, Ҳимоячи шерингман.

Содиқ ИСАЕВ,
Самарқанд шаҳри

— Нима бўлди, жонгинам, Қовоғингизни солманг. Ахир бугун тўйимиз, Бўлмаса эрсиз қолманг.

— Узингизга ортиқча, Баҳо берманг, ўргилай. Ҳозирдан мингирлайсиз, Сизга тегмай мен ўлай.

Ҳанифа РҲЗИМЕТОВА,
Тўрақўрғон тумани

Энг яхши, энг қувнок изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Кўзойнак тақмайман тўйдан кейин, Сўрасанг тўй қилиш жуда ҳам қийин. Кийимларни олдим «прокат»дан, Асло гапирмагин емиш, овқатдан. Убайдулла ҲИКМАТИЛЛАЕВ, Бўстонлик туманидаги 43-мактабнинг 4-синфи ўқувчиси

<p>Ishonch</p> <p>МУАССИС:</p> <p>Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси</p>	<p>Бош муҳаррир</p> <p>Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ</p>	<p>Бизга кўнгирик қилинг:</p> <p>Котибият: 153-52-78</p> <p>Хатлар бўлими: 153-85-43</p>	<p>Бизнинг манзил:</p> <p>700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.</p> <p>Нашр кўрсаткичи: 133; 134</p>	<p>Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.</p>	<p>Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев</p> <p>Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова</p> <p>Навбатчи - Т.Шернаев</p> <p>Мусаҳҳих - Н.Юлдашев</p>
	<p>Тахрир хайъати:</p> <p>Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.</p> <p>ИВМ компьютеризация терлиги ва саҳифалани. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.</p>	<p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.</p> <p>Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (П) белгиси остида чоп этилади.</p>	<p>Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский.</p> <p>Буғуртма Г— 214</p> <p>Тиражи: 19219</p> <p>Босишга топшириш вақти - 21.00</p> <p>Топширилди - 21.40</p> <p>Сотувда эркин нархда</p>